Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 98 (20. 665) • 1990 йил 28 апрель, шанба • Баҳоси 3 тийин.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

26 апрель куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов республика касаба уюшмаси фаоллари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари билан учрашди. Вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазият, уни яхшилаш тадбирлари, истиқболдаги вазифалар тўғрисида гап борди.

Жумҳурият Президенти Ўзбекистон иқтисодиёти ва турмушининг ривожланиш даражаси бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар уни атрофлича ва вазминлик билан ўрганиб чиқишни талаб этаётганлигини таъкидлади. Янги чора-тадбирларнинг жорий этилиши республика аҳолиси ва айниқса ижтимоий жиҳатдан энг кам ҳимояланган гуруҳлар — пенсионерлар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болали оилаларнинг аҳволини мушкуллаштирмаслиги учун мазкур масалани пухта ишлаб чиқиб, меҳнаткашлар билан биргаликда муҳокама қилиш зарур. Шунинг учун ҳозир кун тартибида бозор иқтисодиётига ўтишнинг, аҳолининг кам таъминланган табақалари учун кун кечириш даражасини сақлаб қолиш кафолатларини таъминлашнинг муқобил лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи турибди. Кўпгина муаммолар ва нарх белгилаш масалаларини ҳал этиш лозим. Жумладан, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг харид нархини ошириш, жумҳуриятни барча зарур нарсалар билан таъминлашга оид ишларни да-

(Давоми учинчи бетда).

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ УРАЛ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

СВЕРДЛОВСК, 25 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев шу куни мамлакатимизнинг энг катта саноат ва илмий марказларидан бирига келганлиги хабар қилинган эди.

Свердловск аэропортида Михаил Сергеевични вилоят раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Русларга хос анъанавий меҳмондўстлик кўрсатилди.

Президент СССР федерацияси кенгаши ва Президентлик Кенгашининг қўшма мажлисида мамлакатни бошқариб туриладиган бозор хўжалигига ўтказиш йўллари муҳокама қилинганидан сўнг бир ҳафта ўтгач Уралга келди. Ушбу программани, М. С. Горбачев таъкидлаганидек, қайта қуришдан манфаатдор барча кучларни жипслаштирмасдан, меҳнат коллективлари билан батафсил маслаҳатлашмасдан бажариш мумкин эмас.

Урални ҳақли равишда давлатимизнинг таянч қалқони деб атайдилар. Бу регион — Ватанимиз оғир саноатининг карвонбошиси, битмас-туганмас табиий бойликлари, ўз усталарининг истеъдоди билан шуҳрат топган ўлкадир. Меҳнат аҳли билан маслаҳатлашиш, уларнинг жамиятимиз турмуши туб қатламларига тааллуқли қайта қуриш жараёнларини қандай қилиб жадаллаштириш кераклиги хусусидаги фикрлари Президент учун муҳимдир, чунки улар миллионлаб совет кишиларининг фикр-ўйлари ва орзу-умидларини акс эттиради.

Ўтган беш йилликда Свердловск шаҳри ва вилоятининг қиёфида кўп ўзгаришлар бўлди. Ижтимоий масалаларга, иқтисодий муаммоларга аввалгига қараганда кўпроқ эътибор бериладиган бўлса-да, уларни жиддий ва танқидий таҳлил этиш учун уралликлар етарли асосга эгадирлар. Йил бошида вилоят хўжалик ҳисобига ўтган эди, лекин у, оқсаб қолмоқда. Ўй-жой билан боғлиқ аҳвол мураккаб бўлиб қолмоқда, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари етарли эмаслиги кўриниб турибди.

Вужудга келган аҳволдан қутилишнинг йўли борми? Кучларни қайта қуришнинг ҳал қилувчи йўналишларига жамлаш, асоссиз равишда чўзилиб кетган ўтиш даврини қисқартириш, иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришга омил бағишлаш учун кучларни қай тариқа жипслаштириш керак?— Президентнинг «Уралмаш» ишчилари билан бошланган суҳбатларидаёқ асосий муаммога айланган масалаларнинг доираси ана шундан иборат бўлди.

Улкан машинасозлик корхонасининг шон-шуҳрати, 50 минг кишилик коллективининг ўзига хос амалий ишлари мамлакатимизнинг ҳамма еридагина эмас, айни вақтда чет элларда ҳам маълумдир. Ўрмаловчи, кон қазувчи экскаваторлар ва халқ истеъмоли моллари, бурғулаш қурилмалари ва узлуксиз қуйилма машиналари — бу йил ана шу бутун маҳсулотнинг умумий қиймати 600 миллион сўмдан ошиб кетди.

Президент «Уралмаш»нинг бош заводига келган дақиқаларда корхона темир йўлларидан бутунлай янги хилдаги бурғулаш қурилмаси ускуналарининг сўнгги туркумини ортиб жўнатдилар. Бу техника Каспий бўйи нефтчиларининг ўн километр чуқурликда олиб бориладиган ишларда илғор технологияни қўлланишига ёрдам беради.

Маҳсулот етказиб бериш муддатларига аниқ риоя этилди. Сўз ва иш бирлиги свердловсклик машинасозларнинг иш услубидир. Лекин ташвишли хабарлар ҳам пайдо бўлди: бирлашма ўтган йили шартномавий мажбуриятларни тўла бажара олмади. Бу фақат шериклар айби билангина рўй бергани йўқ: «Уралмаш»ни техникавий жиҳатдан тубдан қайта жиҳозлаш керак. Бунда сусткашлик қилиш мумкин эмас.

Аммо улкан саноат корхонаси ўтиб ишлаётган хўжалик ҳисоби идораларнинг буйруқбозлигига дуч келди. Натижада машинасозлар ўтган йили ишлаб топган 136 миллион сўм фойда энг асосий иш—корхонани тубдан янгилаш учун етмай қолди.

Шундай бўлгач, иқтисодиётни «ўлик нуқта»дан қандай қилиб силжитиш мумкин? Силжитиш эса зарур — мазкур вазифа бугун қайта қуриш учун асосий вазифага айланди. Меҳнат коллективларининг ушбу масалани ҳал этишни жадаллаштиришдаги имкониятлари қандай? — Энг эски цехлардан бири — темирчилик-пресслаш цехида ана шу ҳақда ошкора, баъзида ўткир фикрлашув бошланиб кетди.

Президент шу ернинг ўзида, «Уралмаш»да яратилган тўрт тоннали прессни ишлатаётган бригада аъзолари билан танишади. Операторлар М. С. Горбачевга цех коллективи ишни тўхтатмасдан — ишлаб чиқариш туркумининг ўзига хос хусусияти шундай — топшириқни сўзсиз бажаришга эришиш учун ўз кучларини қандай тақсимлаётгани ҳақида гапириб бердилар. Биз бунга катта қийинчилик билан эришаяпмиз, дейишди улар, бироқ, бошқача бўлиши мумкин эмас — давр иложи борича кўпроқ, куч-ғайрат сарфлашни талаб этмоқда. Шундай қилиб ўзингни бутунлай ишга бағишлашга тўғри келаяпти.

Бригада аъзоларидан бири — партиясиз, асли ураллик, насл-насаби ишчи, икки фарзанднинг отаси, тўртинчи разрядли темирчи, 33 ёшли Николай Ладушин ҳаётга ёндашувини шундай ифодалади:

— Биз ҳозир бошқаларга эмас, фақат ўзимизга ишонишимиз керак. Буни ҳамма тушуниши муҳимдир. Митинглар билан, маҳмаданалик билан, иш ташлашлар билан мамлакатни қутқариб бўлмайди. Ҳар бир киши, ҳар бир коллектив виждонан ишлаши, ўзибўларчиликка йўл қўймаслиги керак, ана ўшанда иш ҳақимиз ҳам баракали бўлади. Миллионлаб совет кишилари мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришга, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга шундай ҳисса қўшишлари керак. «Юқоридан» буни амалга оширишга қаратилган тадбирлар ҳар бир иш жойида мустаҳкамланмоғи лозим.

Ишда яхши кайфият бўлмаса, энг зўр туб режаларни ҳам рўёбга чиқара олмайсан. «Уралмаш»да ишчи кайфияти тўғрисида суҳбат бўлганлиги ҳам қонуний ҳолдир.

— Мен, деди М. С. Горбачев, — инсон руҳан бардам экан, уни жисмонан бука олмайдилар, йўлдан ҳам тойдира олмайдилар, деб ҳисоблайман. Ҳозир кўп нарсаларни ойдинлаштирадиган даврдир. Анча нарсаларни аниқлаб ҳам олдик. Митинглардан ишга ўтаяпмиз. Бу борада ҳам ишимиз кўп. Акс ҳолда фақат гапларга кўмилиб кетамиз. Ҳозир ўзгаришлар сари қатъий бурила бошлаймиз, деб ўйлайман.

Лекин бир ёқадан бош чиқариб бурилиш қилиш керак, деб сўзида давом этди Президент. Агар сиз бурилиш тарафдори бўлмасангиз, ҳеч нарса бўлмайди. Шундай катта мамлакатни буриб юбориш жўн иш эмас. Шундай бурилиш қилиш керакки, ҳамма нарса бузилиб кетмасин. Кўп нарсаларни алмаштиришга, олиб ташлашга тўғри келади, лекин уларни охиригача олиб ташламаслик керак.

Ҳозир таяниш мумкин бўлган ҳамма нарса бор. Қудратли ишлаб чиқариш базаси бор, лекин уни замонавийлаштириш даркор. Етарли илмий имкониятлар ҳам бор. Одамларимиз маълумотли, лекин уларга омиллар ҳам, масъулият ҳам етишмаяпти. Бир томондан, одам ишга бошқачароқ муносабатда бўлиши учун омиллар керак. Иккинчи томондан эса омиллар осонлик билан пайдо бўлмайди, чунки феъл-атворимиз ўн йиллар мобайнида шаклланган.

Президент ишчиларга шундай савол билан мурожаат этди:

— Сиз қандай ўйлайсиз? Келинглар, шу ҳақда ҳозир ошкора фикрлашиб олайлик. Акс ҳолда бўлмайди. Яхши яшашга қарор қилдикми, демак ҳамма нарсани ўзгартириш зарур. Уни ўзимиздан бошлашимиз керак. Агар ўзимизни ўзгартирмасак, турмуш ўзгармайди.

Сўнгра бошланган қизғин суҳбатда ишчилар ўзгаришларни тартиб ўрнатишдан бошлаш ўткир зарурат эканлигини таъкидладилар. Хўжалик ҳисоби чинакамига амал қилмаяпти. Штурмчилик авж олмоқда. Яна: Свердловскликлар магазинларда ҳатто ўзлари ишлаб чиқарган нарсалар сотилаётганини кўришмаяпти. Хуллас, бозор муносабатларига ҳозирча, анъанавий маъмуриятчилик тўсиқлари халақит бермоқда. Шу сабабли, дейишди суҳбат қатнашчилари, ўз меҳнатимизнинг реал самарасини сезмаяпмиз.

Пайванд асбоблари ишлаб чиқариш корхонасининг даволаш-соғломлаштириш комплексини кўздан кечириб, «кулинария» магазинида бўлинганидан кейин бирлашма территориясида яна суҳбат бошланади.

Уралмашчилар савдо-тақсимлаш муносабатлари системасига эътироз билдирадилар. Нима учун бизнинг экскаваторларимиз, бурғилаш машиналаримиз, вагонларимиз Бутуниттифоқ бозорига бир маромда келиб турибдию, Воронеж ва Вильнюс телевизорлари, Москва ва Саратов холодильниклари, бошқа молларнинг Свердловскда уруғи қуриб кетган? деб сўрашди улар. Наҳотки мамлакатдаги барча заводлар тўхтаб қолган бўлса? Ахир, биз Уралда ишлаяпмизку, яна чакки ишламаяпмиз.

Пўлат эритувчилардан бири олдин луқма ташлаб, ҳаммани кулдирди:

— Хайрият янги «байрам»га ҳам етиб келдик: кеча цехда лаб бўёқ тақсимлашди...

Лекин ана шу ҳазилдан сўнг биздаги товар танглиги сабаблари, дуч келган нарсани харид қилиш каби бирданига пайдо бўлмаган нарсалар тўғрисида чуқур ва маъюс гап бошланди. Бундай танглик пештахталардан лаб бўёқдан тортиб холодильниккача ҳаммасини супириб кетди.

— Сизларни ҳаяжонга солаётган нарсалар, — деди М. С. Горбачев, — мени ҳам ташвишга солмоқда. Кўп муаммолар тўпланиб қолган, албатта. Бинобарин, уларни асосли равишда, ҳаммамиз биргалашиб ҳал қилишимиз керак. Биз ҳозир шунга яқинлашмоқдамиз, барча корхоналарни, ҳар бир кишини иқтисодий ислоҳотга жалб этиш учун структуравий ўзгаришларни қилмоқдамиз. Бизга жуда оғир мерос қолган, давр эса кескин бурилиш зарурлигини тақозо эта бошлади.

Ҳозир янги нархлар, шу жумладан оғир саноатда амал қилаётган нархлар лойиҳасини тайёрлаш юзасидан катта иш қилинди. Бу ишда, деб давом этди Президент, жадаллаштиришни тайёрлашда корхоналарнинг ўзлари иштирок этишларини хоҳлаймиз, буларнинг ҳаммасини биз биргаликда ҳал этишимиз лозим, бунинг учун эса 6—8 ой ичида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш масалаларини биргаликда ишлаб чиқишимиз керак.

Хуллас, ҳозир кимдир нархларнинг янги сиёсати билан сизларни «фалаж этиб даволамоқчи» бўлишаяпти деган ғояни тиқиштиришса, бунга ишонманглар, Биз бу ишларни бозор учун эмас, балки бозор орқали, корхоналарнинг мустақиллигини ошириш орқали, янги ишлаб чиқариш алоқалари, ҳар бир кишининг хўжалик соҳасидаги ташаббуси орқали иқтисодиётни янгилашнинг янги даражасига чиқиб олиш учун қилаяпмиз. Ислоҳотнинг барча асосий масалалари юзасидан ишчилар синфи билан маслаҳатлашамиз, деб келишиб олган эдик. Бу эса сизлар билан учрашувимнинг асосий вазифаларидан биридир.

Суҳбат мавзуси умуман мамлакатдаги нарх-наво ислоҳотидан «кўча нархлари»га, яъни ўша олибсотарларга, ҳамма жойда, шу жумладан Свердловскдаги мевафурушларга ўтади.

— Нима учун уралмашликларнинг ўзлари депутатлар билан биргаликда бундай кооперативлар масаласини ҳал қилиша олмайди? — деб сўрайди Михаил Сергеевич.

Ишчилар Президентга берган саволлар орасида бундай савол ҳам бор эди:

— Уралга келишингиз натижасида бизнинг ҳаётимизда яхшилик сари ўзгариш бўлади, деб умид қилиш мумкинми?

— Сафарим Урал тўғрисидаги тасаввуримни бойитади, деб умид қилаяпман, — деб жавоб қилди Михаил Сергеевич. Бир томондан бу — мамлакатимизнинг умуртқасидир. Бу ўлканинг одамлари фақат Россия Федерациясига эмас, балки бутун мамлакатга жуда муҳим, керакли буюмларни етказиб беришмоқда. Бу ерда оғир саноат мужассамлашган. Бу равшан. Иккинчи томондан, ўлканинг ҳиссаси жуда катта, ривожланиши эса орқада қолган. Оғир саноатга жамғармалар сарфланаверди, мудофаа саноати кучайтирилаверди, ижтимоий соҳа эса бошқа суръатлар билан ривожланди, бунинг устига экология муаммолари ҳам тўпланиб қолди. Шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз биргалашиб вазиятни идрок этишимиз ва сабоқларни ҳисобга олишимиз, келгуси беш йилликка режалар тузаётганимизда хулоса чиқариб олишимиз лозим бўлади, деб ўйлайман. Бу ерда ишни Урал кўпроқ инсонга хизмат қиладиган қилиб йўлга қўйиш лозим. Агар Уралга хўжалик жиҳатидан катта мустақиллик бериб қўйилса у ҳамма нарсани керакли томонга буриб юбора олади, кўп иш қила олади.

Ҳақиқатда, нима бўлаяпти: бу жойда ер кўп эмас, у сизлар учун қимматбаҳо бойлик. Аммо ана шу ер ардоқланмаган. Бу ерда ҳар сигирдан 5 минг литрдан сут олиш учун, ҳосил юқори бўлиши учун ҳам ҳамма нарсани ардоқлаш керак. Натижа бериши учун ерни даволаш ва ардоқлаш керак.

Берилган саволнинг моҳиятига келганда мен ҳозир ҳеч нарсани ваъда қила олмайман, деб давом этди М. С. Горбачев, бу хусусда ваъда беришим ноўрин бўлур эди, деб ўйлайман. Лекин шу нарса ҳақиқатки, Москвада вужудга келган таассуротни мен шу ерда текширяапман. Сизлардан жиддий эътирозларни, ҳақли танқидни эшитяапман.

М. С. Горбачев корхоналар билан танишиб чиққач, завод бошқармаси биносида бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари, меҳнат коллективи кенгаши вакиллари, партия фаоллари билан учрашди.

Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

Заводда бўлган чоғида М. С. Горбачев «Уралмаш»да ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол моллари кўргазмасини кўздан кечирди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, РСФСР Министрлар Совети раиси А. В. Власов, СССР Президентлик кенгашининг аъзоси В. А. Ярин, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари А. П. Гусев, халқ депутатлари область Советининг раиси В. М. Власов «Уралмаш»да М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.

ҲАМЖИҲАТЛИК—ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЯНЧИ

М. С. Горбачев Урал меҳнат коллективлари ҳузурида

СВЕРДЛОВСК, 26 апрель (ТАСС махсус мухбирлари). Яхшироқ яшаш учун, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тубдан ўзгартириш учун нима қилиш керак? СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Урал меҳнат коллективларида бўлиб ўтган учрашувлари чоғида ана шу савол бир неча бор ўртага қўйилди. Бугун — Михаил Сергеевич Свердловскка келганига икки кун бўлди.

Кеча кечқурун «Уралмаш» завод бошқармасида унинг ишчилар, инженер-техник ходимлар, меҳнат коллективи кенгашининг вакиллари билан, бирлашманинг партия фаоллари билан кўп соатли учрашуви бўлиб ўтди. Ошкора, кескин фикрлашувда қатнашишни истовчи кишиларнинг барчаси залга сиғмаганлиги учун учрашув юзлаб уралмашчилар тўпланган завод майдонига бевосита олиб эшиттирилди.

Сизлар билан осойишта, амалий вазиятда гаплашиб олишни ғоят истайман, деди **М. С. Горбачев** учрашувни очар экан. Бизларни нима ташвишлантирмоқда? Мамлакат учун кўп иш қилган, ишлаётган ва келгусида ҳам шундай қиладиган қудратли ўлка —Урал ҳозир ўз тараққиётида катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бу ишлаб чиқариш, иқтисодий қийинчиликлар бўлибгина қолмай, айни пайтда ижтимоий қийинчиликлар ҳамдир. Бу эса ҳозирнинг ўзидаёқ муайян кайфиятларни юзага келтирмоқда. Вазият бизни ташвишлантираяпти.

Уралмашликлар билан ўтказилган мулоқот ва фикрлашувнинг бир неча соати бизга тўғри ахборот беришаётганини кўрсатиб турибди. Одамлар бизга маълум бўлган муайян ҳавотирликни тасдиқламоқдалар. Ҳар ҳолда Уралнинг ижтимоий кучларини ривожлантиришда муайян бузилишлар рўй берганлиги тўғрисида гапириш мумкин. Бир томондан, бундан буён ҳам улкан вазифаларни ҳал этишга қодир кучли кадрлар, илмий ходимлар ташкил топди, иккинчи томондан — экология муаммолари, ижтимоий соҳадаги кескинлик вужудга келди.

М. С. Горбачев шу хусусда уралмашликларга ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишни таклиф қилди.

Учрашувимиз ва ўлкангизга келишим, деб давом этди у, иқтисодий ислоҳот ривожининг ғоят муҳим босқичига тўғри келмоқда. Биз гўё ана шу ислоҳотга тайёргарлик босқичини ўтдик ва ўзимиз яшаб турган мамлакат қандай аҳволда эканлигини таҳлил этдик. Эҳтимол, ютуқлар билан бирга унинг, шубҳасиз, мавжуд бўлган нуқсонларини асосан тушуниб етдик. Биз иқтисодиёт соҳасида кўпгина ёндашувларни, хўжалик юритишнинг янги усулларини синаб кўрдик. Баъзи жиҳатдан муваффақиятга эришган бўлсак, бошқа жиҳатдан эса бундай бўлмади, айрим соҳаларда эса янглишдик.

Аммо, ҳар ҳолда, бу мамлакат тарихидаги энг катта бурилиш тўғрисида гап борганида, биз бу даврни бошдан кечирдик ва ҳозир биз ҳуқуқий тартиб ва иқтисодий тажриба асосига эгамиз. Биз тажриба орттирдик, аввал бошқача фикрлай бошладик ва ўзаро бошқачароқ гаплашадиган бўлиб қолдик. Иқтисодий ислоҳотни анчагина, тубдан авж олдириш мумкин бўлган вазият юзага келди.

Шунинг учун ана шу позициялардан туриб фикрлашиб олиш муҳимдир. Бунинг устига мен ҳавотирликни сезиб турибман. Бундай ҳавотирлик матбуотда ҳам, бу ерда ҳам намоён бўлди. Қандай яшаймиз? Умуман эса бизнинг яхшироқ яшашимиз учун, вазият яхшилик сари ўзгаришлари учун айни нима қилишимиз тўғрисида гап бормоқда. Халқнинг сабр косаси тўлиб турганлиги сезилмоқда. Шу нуқтаи назардан менинг сафарим ғоят муҳимдир.

Биз СССР Президентлик Кенгашининг иккита мажлисини, СССР федерацияси кенгашининг ва Президентлик Кенгашининг қўшма мажлисларини ўтказдик. Биз яна шу масалага қайтамиз. Кейин эса, халқда айтилишича, ҳамма нарсани узилкесил тарозига солиб кўрамиз. Агар биз бир-биримизни тушунсак, ҳаммамиз биргаликда шундай бурилишни амалга оширишимиз зарур. Меҳнаткашларга, мамлакатга таклиф этиш назарда тутилган нарса туб бурилишларни амалга оширишга мўлжалланган. Лекин биз шундай қилайликки, токи ана шу йўлни кам талафот билан босиб ўтайлик.

Шундан кейин сўзга чиққан «Уралмаш» бирлашмасининг бош директори **И. И. Строганов** корхонани қисқача таърифлаб берди, коллектив олдида турган вазифалар ва муаммолар тўғрисида гапирди.

Михаил Сергеевич, Сиз «Уралмаш» меҳнаткашлари билан учрашувлардан бирида эркин бозорга ўтиш кераклиги тўғрисида гапирдингиз. Бу тўғри, деб ўйлайман. Биз бу фикрни қўллаб-қувватлаймиз, деб давом этди корхона раҳбари.

Ана шу мақсад сари бориш учун бугунги кунда бизга нима ҳалақит бермоқда? Биринчи, кооперация соҳасида тенг ҳуқуқлиликнинг йўқлиги. Биз — ишлаб чиқариш кооперативлари тарафдоримиз, бироқ ҳозирча улар билан баб-баравар мусобақалаша олмаймиз. Иккинчи, бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида озиқ-овқат маҳсулотларининг тўрт-беш тури бўйича нарх-навони қаттиқ назорат қилиб туришни мажбурий тартибда зарур деб ҳисоблаган бўлур эдик. Яна бир нарса: нарх-наво чегарасини мажбурий тартибда аниқлаб олиш керак. Биз прейскурант нархига эгамиз ва ўтиш мумкин бўлмаган улгуржи нарх чегараси қандай бўлиш зарурлигини билишимиз лозим. Учинчи, солиқ солиш системаси хусусида тўхталмоқчиман. Ҳозирги пайтда солиқ солиш системасини ҳукумат кўриб чиқмоқда.

Рўй-рост айтадиган бўлсак, биз бу хусусда ўз таклифларимизни тайёрлаб қўйдик, уларни ишлаб чиқишда мутахассисларимиз иштирок этдилар. Гап шундаки, мавжуд системада бирлашма ишлаб чиқаришни кенгайтириш у ёқда турсин, ҳатто нормал ривожланиш учун маблағга эга эмас. Нормал турмуш учун ишлаб топилган фойданинг йўқ деганда камида 60 фоизи ўзимизда қолиши зарур. Ушбу масалани батафсил кўриб чиқиш, унга малакали тарзда ёндашиш муҳимдир, чунки «Уралмаш» сингари корхоналар бошқа бирмунча кичикроқ корхоналардан анча фарқ қилади. Ахир биз улкан ижтимоий инфраструктура тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Ишларнинг бундай аҳволда эканлиги, квартира ҳақи жуда камлиги туфайли бирлашма уй-жой соҳасидагина ҳар йили 7 миллион сўм зарар кўрмоқда. Мактабгача тарбия болалар муассасалари, бошқа бир қанча объектлар соҳасида ҳам зарар кўрилмоқда. Балансимизда 45 минг квартира бор, ҳозирги пайтда эса 12 минг киши уй-жой олиш учун навбатда турибди. Чунки биз уй-жойлар қуриб, аммо уни «Уралмаш»да ишламаётган кишиларга ҳам беришга мажбур бўлаяпмиз...

М. С. Горбачев: «Уралмаш»нинггина эмас, балки Урал иқтисодий регионидаги бошқа заводларнинг ҳам муаммоси мана шунда бўлса керак?

И. И. Строганов: Биз қўшимча иш жойлари ташкил этиб, катта хатога йўл қўйдик, маълум вақт инсон тўғрисида, ижтимоий база тўғрисида ўйламай қўйдик. Регионнинг муаммоси айни мана шундадир. Иккинчидан биз ҳаммамиз биргаликда қишлоқ хўжалигини анчагина ишдан чиқардик. Бу жиҳатдан ёрдам берибгина қолмай, балки ҳаммамиз ўз ишимизни тубдан қайта қурадиган пайт келди...

М. С. Горбачев: Корхонангизда меҳнат унумдорлиги умуман дуруст эканлигига эътибор бердим. Бу ишлаб чиқаришни янгилаш, нарх белгилаш ёки меҳнатни жадаллаштириш билан боғлиқми?

И. И. Строганов: Афсуски, жадаллаштириш билан...

М. С. Горбачев: Ҳисоб-китобларингизга кўра янги иқтисодий муносабатларга ўтиш машинасозликни барбод этиши мумкин, деганингизда қандай ҳисобларни назарда тутдингиз?

И. И. Строганов: Бундай ҳисоб-китоблар планлаштириладиган ажратмалар асосида бажарилди. Иттифоқ бюджетига — 30 фоиз, республика бюджетига 27 фоиз, яна ер, электр энергия, меҳнат ресурслари учун тўланадиган ҳақнинг янги турлари бор. Агар буларнинг ҳаммасини қўшадиган бўлсак, ўзимизда олинган фойданинг 30 фоиздан камроғи қолади, яъни фондлар ташкил этиш учун ҳеч нарса қолмайди. Бу эса биз учун — асосий масаладир.

М. С. Горбачев: Айтингчи, сиз ўз маҳсулотингизни рақобатга бардошли шундай намуналар билан таққослаяпсизми? Улар орасида қандай фарқ бор?

И. И. Строганов: Мисол учун карьер экскаваторимиз чет элларги шундай машиналар билан мутлақо рақобатбардошдир. Совет буюртмачиларига бундай техникани 90 минг сўмга етказиб берамиз,аммо чет элга ҳар бир экскаваторни ҳамиша 600 минг сўмдан сотамиз.

Институтимиз коллективи янги вазиятни, рақобат кураши яқинлашиб келаётганлигини албатта сезмоқда, деди шундан кейин сўзга чиққан оғир машинасозлик илмий-тадқиқот институтининг директори **Г. Н. Башилов.** Биз министрнинг муносабатидан ва бошқа бир қанча жиҳатлардан буни ҳис қилиб турибмиз. Бироқ ҳозирги вақтда мамлакатда «Уралмаш»нинг ишламаётган машиналари йўқ. Баъзан носозликлар, нуқсонлар бўлиши мумкин, албатта, аммо ҳозир масала буюртмачи биринчи кундан бошлаб ишлайдиган машиналарни олиши тўғрисида бормоқда.

Шу муносабат билан завод илмий кадрларининг аҳволи тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўймоқчиман. Тажрибали конструкторлар, технологлар илмий институтларга, кооперативларга кетиб қолмоқдалар. Гап шундаки, 1987 йилда корхонамиз хўжалик ҳисобига ўтказилган пайтда завод фани иш ҳақи фондини ташкил этиш жиҳатидан ғоят ноқулай аҳволда қолдирилди.

Бирлашма бош директорининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари **А. С. Осипцев** ноёб машинасозлик буюмлари ишлаб чиқаришда «Уралмаш»нинг ҳукмронлик позициясига қандай баҳо бериш кераклиги тўғрисидаги масалага тўхталди. Ўйлайманки, «Уралмаш» сингари «ҳукмрон» корхоналардан чўчимаслик лозим. Ҳукмронлик даражасига етишимизга ҳали анча бор, чунки маҳсулотимиз даражаси биздан кўра кўп ҳолларда бутловчи буюмларга ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг ишига боғлиқ. Биз жаҳон бозорида рақобатда орқада қолаётганлигимизнинг асосий сабаби мана шундадир. Ҳукмронликка барҳам беришни мана шундан, етказиб берилаётган маҳсулот сифатидан, аниқроғи маҳсулот етказиб берувчиларнинг кенг кўламдаги конкурсини ташкил этишдан бошлаш керакки, токи ҳақиқатан ҳам энг яхши маҳсулотларни танлаш имкониятига эга бўлайлик.

Иқтисодчи ўз нутқининг катта қисмини корхонада ижара муносабатлари муаммоларига бағишлади. Ў, жумладан, одамлар мавжуд шароитда ижара ўзлари учун нафли эмас деб ҳисоблаб, бундай усулга ўтиб ишлашдан бош тортганликларини мисол қилиб келтирди.

М. С. Горбачев директор ўринбосаридан қуйидаги саволга жавоб беришни сўради: ислоҳотни кучайтириш ва биз бозор иқтисодиёти сари изчил катта қадамлар қўйишимиз зарурлиги тўғрисида гап борганида, сизнингча жамиятнинг ташвишланишига нима сабаб бўлмоқда? Одамлар нимадан чўчимоқда, улар ҳавотирланишининг боиси нимада?

Менингча, деб жавоб қайтарди иқтисодчи, бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган бой беришдан чўчиш бунга сабаб бўляпти. Ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирмай туриб, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Бу биринчи сабаб. Иккинчидан эса, биз ишсизликни четлаб ўтолмаймиз. Мен бу икки омилни асосий омиллар деб ҳисоблайман. Айни шу омиллар ҳаммадан кўпроқ хавотирликка сабаб бўлмоқда.

М. С. Горбачев: Бу ердаги нутқларда ва корхонада бўлиб ўтган кўпдан-кўп суҳбатлардан тушунишимча, бунда ғап мана шу йўлдан бориш зарурлиги тўғрисида бўлса, ҳамма шу йўлдан бориш кераклигини англаётган экан,унда ҳамма нарсани аввалбошданоқ пухта ўйлаш, таққослаш ва маслаҳатлашиб олиш зарур. Ишнинг моҳиятини марказдагилар, хўжалик кадрлари билибгина қолмай, балки меҳнат коллективлари айни нима тўғрисида гап бораётганлигини тушунишлари зарур.

Биз қандай бўлса ҳам бозор иқтисодиётига ўтмоқчи эмасмиз, бундай ёндашув биз учун номақбул йўлдир. Бозор иқтисодиётига пухта ўйланган йўл асосида ўтишимиз лозим. Биз айниқса дастлабки босқичда мазкур жараённи қўлда ушлаб туришимиз, нарх-наво йўли билан бошқаришимиз даркор. Ижтимоий ҳимояланиш чоралари ҳам кўзда тутилиши лозим. Ниҳоят, ишлаб чиқаришда ишчи кучларининг қайта гуруҳланиш жараёни, эҳтимол, уларнинг ишдан бўшаб қолиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаш керак. Аммо бизда кооперативлар эндигина пайдо бўлмоқда, савдосотиқ билан боғлиқ барча соҳалар сингари хизмат соҳаси ривожланмаган. Масалан, бизда савдо майдонларидаги ишлар тиғиз, жаҳонда эса мана шу барча жараён бошдан кечирилди. Ҳамма жойда ноишлаб чиқариш соҳасида иш билан банд бўлган кишилар моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб турган кишилардан кўпдир. Бошқача қилиб айтганда, бизда ҳозирча ҳаммаси аксинча.

Буларнинг ҳаммаси, асосан, моддий ишлаб чиқаришдадир. Демак, ҳали бизда кўп иш бор, одамларни банд қилишимиз мумкин. Аммо қайта тайёрлаш системаси зарур, ҳаракат режаси керак. Ана шуни ҳамма тушуниб олиши керак! Шунга ишончим комилки, ҳозир одамлар иш билан банд бўлмаган жойлар мавжуд экан, демак биз ниманидир пухта ўйламабмиз, қайсидир ишларимиз чала бўлибди. Биз ўз ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Одамлар билан суҳбатга тайёр бўлиб, ҳамма нарсани бафуржа ўйлаб кўйганимиздан кейин, пишиқ тадбирларни тақдим этамиз, уларни жамият ҳукмига ҳавола қиламиз. Ана шу тадбирларни ҳар бир регион, ҳар бир меҳнат коллективида муҳокама қилиб кўриб чиқиш лозим бўлади.

Залда ҳозир бўлган кишилардан бири Польша иқтисодиётини аввало қақшатиб, сўнгра даволаш хусусида матбуотда пайдо бўлган сўнгги мақолалар тўғрисида фикр билдиришни сўради.

М. С. Горбачев: Ҳар қанлай, матбуот чўчитиб қўйибдида. Шу залдан туриб, Свердловск шаҳридан туриб, бутун матбуотга ва бу ерда ҳозир бўлган журналистларга шуни айтиб қўйиш керак ва бошқа журналистларга ҳам етказиш керакки, бу ишлар хусусида ниҳоятда вазминлик билан мулоҳаза юритиш, одамларни ҳавотирга солиш учунгина мақола ёзмаслик керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ҲАМЖИҲАТЛИК—ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

15-механика цехи бошлиғи **А. Р. Сагалович** ўз нутқида ислоҳотни теранлаштиришнинг муҳим жиҳатини тилга олди. Менинг фикримча, деди у, бозор иқтисодиётига корхоналар турли йўллар билан кирадилар. Демак, ҳар бир конкрет ишлаб чиқаришдаги асосий фондларнинг ҳолатини ҳисобга олиш керак. Бир корхонада ана шу фондлар анчагина путурдан кетган, бошқаларида эса янгироқдир.

Ҳозир қўлимизда ижара тўғрисдаги қонун бор. Аммо коллективда меҳнатда иштирок этиш коэффициентига қараб пулни тақсимлаш бошланганида система қўл келмай қолади. Одамлар яхши бўлган жойларда система ҳам яхши ишлайди. Коллектив таркиб топмаган жойларда эса система ишга ярамаяпти. Бу ўринда коллективлар раҳбарларининг ролига етарлича баҳо бермаслик ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Тўғри, маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасига қарши кураш бораяпти. Лекин ишлаб чиқариш даражасида танг қоладиган аҳвол содир бўлмоқда: масалан, мен ўзим ярим йилдан буён участка бошлиғи лавозимига лойиқ одамни тополмай турибман. Ҳеч кимнинг бу ишга ҳоҳиши йўқ, ҳеч ким мастер бўлиб ишлашни истамаяпти. Ана шундай вазиятда интизом барбод бўлмоқда. Смена тугашидан олдин милиционер чақирсакмикан, деб ўйлаб қоламиз. Ишчилар билан раҳбарлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашмоқда.

Бундан буён олға силжиш учун хўжалик раҳбари, ишлаб чиқариш ташкилотчиси ва мутахассиснинг роли тўғрисидаги, иқтисодий ислоҳотнинг бориши учун масъулият ҳақидаги ҳамда ана шу ислоҳотнинг боришида мутахассиснинг роли тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш керак.

М. С. Горбачев: Ислоҳот ва вазиятнинг ўзгариши муносабат билан эндиликда ишбилармонлик, ҳалоллик, яхшироқ ишлаш қобилияти юзасидан ҳуқуқ ва афзалликларни исботлаб бериш кераклиги ҳақида ларзаларнинг олисдан келаётган зарбини ҳис этмаяпсизми? Шу яқин орада барча буни исботлашига тўғри келади. Наҳотки, масалани шу тахлитда қўйиш интизом, масъулият, ҳалолликни кўтаришга хизмат қилмаса?

А. Р. Сагалович: Хизмат қилмаяпти. Борингки, балки унча-мунча хизмат қиляпти, ҳам деяйлик. Кўп нарса меҳнатга ҳақ тўлашга боғлиқ, албатта, аммо бу система ҳозирча ишламаяпти. Менинг фикрим бундай: структура бўлинмасининг биринчи раҳбари даражасида, масалан заводнинг биринчи раҳбари даражасида бир қадар эскичасига иш юритиш мумкин бўлар. Лекин бундан наридаги иш қандайдир бошқачароқ яхлит система асосида бориши керак.

Нарх белгилаш муаммолари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимни айтмоқчи эдим, деди цех бошлиғи сўзини давом эттириб. Менга мамлакат миқёсида фикр юритиш қийин, албатта, лекин назаримда, корхоналар рентабеллигини чеклаш корхоналар устидан ҳукм юритишни чеклашнинг мезонларидан бири бўлиши мумкин. Чет элда ана шундай тажриба бор. Биз ҳам юқори нарх белгилаш кетидан қувмаслигимиз керак.

«Уралмаш»нинг ижтимоий-маданий-маиший бошқармаси бошлиғи **Ю. Ф. Чеботарев** ўз нутқини ана шу соҳанинг жўн бўлмаган муаммоларига бағишлади. У, жумладан, ана шу соҳадан зарар кўрилаётган ҳақидаги масалани кўтарди. Мисол тариқасида янги уй-жойдаги ҳар бир квадрат метр саҳнинг қиймати тилга олинди. Йил сайин ана шу саҳнинг қиймати кўтарилмоқда, аммо ҳар бир квадрат метр учун тўланадиган ҳақ илгари бўлганидек ҳозир ҳам ўзгармай турибди. Биз ана шу масалани тилга олишга уринганимизда, жамоатчилик қатъиян қаршилик қилди.

М. С. Горбачев: Ихтиёринризда қанча уй-жой бор ва унинг қаровини жойига кўйиш учун олинаётган дотация қанча?

Ю. Ф. Чеботарев: Завод салкам етти миллион сўм дотация беряпти...

М. С. Горбачев: Ҳойнаҳой, кўпчилик квартираларни мулк қилиб олишга рози бўлса керак?

Ю. Ф. Чеботарев: Шундай ташаббус бор, аммо маҳаллий Советларга ҳозирча бундай ҳуқуқ берилмаган.

М. С. Горбачев: Ахир бу ўринда гап сизнинг корхонангизга қарашли уй-жой ҳақида кетяптику.

Ю. Ф. Чеботарев: Аслида шундайку-я, аммо бу ўринда кўпгина мураккаб масалалар бор.

М. С. Горбачев: Ахир бу ўринда гап квартираларни бепул бериш ҳақида кетяптику. Айтайлик, квартира олинди, одамлар нормага кўра яшашяпти. Кимки навбат кутиб турган бўлса, улар ҳақида гапираётганимиз йўқ. Уларнинг аҳволини ҳам яхшилаш керак, албатта. Ихтиёридаги уй-жой норматив-ларга мос бўлган кишиларга уй-жойни мулк қилиб бепул бериш ҳақида гапирмоқдамиз. Квартираларга шу одамларнинг ўзлари қарашсин. Харажатларни ўзлари кўтаришсин. Биз мамлакатимизда уй-жой учун кам ҳақ тўланяпти дейишимиз бу масалага сунъий ёндашишдир. Ўртоқлар. Иш ҳақини камайтириб, шунинг эвазига уй-жойни арзон қилдик.

Равшанки, бу ўринда гап муҳтож одамлар ҳақида, даромади кам одамлар ҳақида бораётгани йўқ. Улар тўғрисида давлат ғамхўрлик қилиши шарт. Лекин мутлақ кўпчиликка нисбатан шундай қилиш мумкин. Агар ҳар бир киши квартира ўз мулки эканлигини тушуниб олса, шу уй-жойнинг қаровини ҳам ўрнига қўяди. Ана ўшанда уй-жой фондининг аҳволи ҳам мутлақо бошқача бўлади. Бу аввало, йўлакларимизга тааллуқлидир.

Ғарбда нима қилишаётганига бир назар ташланг. У ерда иш ҳақи ҳамма нарсани ҳал этади. Ижтимоий фондлар жуда кам. Ҳар бир киши асосан иш ҳақига яшайди. Айтайлик, ходим икки минг доллар маош олди, дарҳол 30 фоизини уй-жойга, 11 фоизини солиққа тўлайди. Шундай қилиб иш ҳақининг 40 фоиздан кўпроғи сарфланади.

Сиз билан биз эса ҳали у нарса, ҳали бу нарса бепуллигига ўрганиб қолганмиз... Ҳозир эса одам ўз иш ҳақини барибир кўрмаяпти. Агар у маошини тўла олса ва барча сарф-харажатни ўзи қилса, бунинг йўриғи бошқа.

Хўш, уй-жойни ўз мулкига айлантириш нима дегани? Бунинг маъноси шуки, киши ихтиёрида мулк пайдо бўлади. Бир кишининг, икки кишининг, кўпчиликнинг ихтиёрида мулк пайдо бўлади. Шундай қилиб жамиятда бозор муносабатлари пайдо бўлади.

Бизда ҳозирча бундай муносабатлар йўқ. Лекин бу масалани, ҳойнаҳой, обдон ўйлаб кўриш зарур бўлади.

Комплекс бригада раҳбари **А. А. Токминов** «Уралмаш»да сўнгги вақтда ишчиларнинг ташаббуси, ғайратшижоати кескин пасайиб кетганини айтди. Бизнинг бригадамизда ҳам, илмий-техника кенгашидаги жамоат ишларида ҳам шундай бўлаётганини сезиб турибман, деб сўзини давом эттирди у. Агар биз барча бойликларнинг ижодкори бўлган ишчини яхши ишлашдан бездириб қўядиган бўлсак, бундан буён яхши ишлаш қадрини кўтариш, ишчининг манфаатдорлигини ошириш жуда мушкул бўлиб қолади. Рўй-рост айтадиган бўлсам, ҳозир яхши ишлаётган ишчилар яна ҳам яхшироқ, сифатлироқ меҳнат қилиб ва бунинг учун муносиб тарзда тақдирланишлари йўлига сунъий тўсиқлар қўйиш кимга кераклигини тушунолмай туришибди.

М. С. Горбачев: Сиз ўринли ташвишга тушяпсиз, мулоҳазаларингизни қувватламоқчиман. Иқтисодий ислоҳот шароитида кам одам билан кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги фикр-мулоҳаза асосий ўринни эгаллайди. Текисчилик бизни бўғиб ташлади. Агар биз ишчи, колхозчи, ўқитувчи, шифокор, инженер меҳнатига чинакамига баҳо бермасдан, бу меҳнатни бундан буён ҳам «жадвал»га қараб, тарифга қараб баҳолайверадиган бўлсак, олға силжимаймиз. Менга айтиб беришларига қараганда, масалан, жарроҳлар жуда малакали ҳамширалар бўлмаса, масъулиятли операцияларни қилишолмас экан. Лекин жарроҳнинг фикрича, профессор маошини олишга лойиқ бўлган ана шундай мутахассисни рағбатлантириш учун унинг сира ҳам ҳуқуқи йўқ.

Оқибатда нима бўляпти денг: бундай ҳамшира бригададан кетиб қоляпти ва мураккаб операциялар туркуми барбод бўлмоқда. Ҳамма ерда аҳвол ана шундай. Илм-фанда ҳам катта, кичик илмий ходимлар, деб иш ҳақи амал ва даражаларга қараб тўланмоқда. Бирон бир одам бир йил ичида, сўнгги беш йил мобайнида умумий ишга қандай ҳисса қўшганлигини кўп ҳам ўйлаб кўришаётганн йўқ. Шундай одамнинг иши назарга тушиб, бунинг эвазига шартномага кўра бирмунча пул олинса, бу маблағ ўртада тенг бўлинади.

Келинг, бир қўнимга келайлик: ҳар бир иш ўрнидан, ҳар бир операциядан бошлаб текисчиликка қарши қатъий курашга киришайлик. Акс ҳолда биз истеъдодли одамларнинг куч-ғайрати булоғидан жамият учун доимий наф кўришдек имкониятдан маҳрум бўламиз.

Цех бошлиғи **П. Н. Тоболо** «Уралмаш»га келгани учун коллектив номидан СССР Президентига миннатдорчилик билдириб, М. С. Горбачев диққат-эътиборини бирлашмадаги металлургларнинг меҳнат шароитларига қаратди. Ҳозир, деди у, Олий Советда пенсия қонуни масалалари муҳокама қилинмоқда. Ушбу қонунда бир қанча илғор жиҳатлар бор, буни аксарият кўпчилик илғаб олди. Аммо, афсуски, «Уралмаш»да жуда қийин шароитларда, бундан ярим асрдан кўпроқ ясалган ускуналарда ишлаётган одамларни қонуннинг янги лойиҳаси қониқтирмаяпти. Биз қуюв цехини жуда зарарли ишлаб чиқариш участкалари қаторига ўтказиш тўғрисидаги масалани аллақачон кўтариб чиққан эдик. Таассуфки масала ижобий ҳал этилмади. Шу муносабат билан қуйидагиларни айтмоқчиман: фақат ўтган йилнинг ўзида 150 нафар малакали мутахассис кетиб қолди. Баъзиларга оғир иш шароитлари, бошқаларга эса иш ҳақининг камлиги маъқул тушмади.

37-цех темирчиси **В. Ф. Боянкин**, корхонамизда ишлаётганлар орасида хотин-қизлар жуда кўп, деб ачиниб гапирди. Улар узлуксиз график асосида, демак, тунги сменаларда ҳам ишлашади. Узлуксиз график асосида меҳнат қилаётган аёлларнинг ҳоли қандай кечмоқда? Буни ўзингиз тасаввур қилсангиз бўлади, деб илова қилди ишчи. Печларимизни ўзингиз кўрдингиз.

М. С. Горбачев: Аввало, хотин-қизларнинг аҳволи жамиятимизда ўзгаришлар бўлиши зарурлигини яққол кўрсатиб турибди. Келинг, буни рўй-рост тан олайлик. Лоақал СССРнинг Президентлик Кенгашини олайлик, ушбу кенгашда ҳам хотин-қизлар йўқ. Бошқа раҳбар идораларга назар солсак ҳам ана шундай нохуш аҳволни кўрамиз. Ҳолбуки, ҳарорат иссиқ цехларда, уч сменали юмушларда хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда, аслида улар бу ерларда ишлашлари керак эмас.

Бирлашма меҳнат коллективи кенгашининг раиси **В. А. Богданов** янги иқтисодий қонунлар пишиқтирилиши учун ўзига яраша тажриба майдони яратиш лозимлиги тўғрисида таклиф киритди. Ижтимоий кескинлик тобора кучайиб бораётгани бизни жуда ташвишга солмоқда, деди у. Афсуски, кўпгина оқилона таклифлар амалга оширилганида салбий оқибатлар ва натижаларга олиб келмоқда.

Масалан, одам эҳтиёжларига қараб бурилишни, меҳнатнинг рисолаги ижтимоий шарт-шароитларини яратишга бел боғланганлигини биз кўтаринки руҳда кутиб олган эдик, амалда эса барча иш шаҳарда саноат корхоналари қурилишини тўхтатиш билангина чекланди холос. Бу ерда солиқ солиш тўғрисидаги қонуннинг номукаммаллиги хусусида гапиришди. Агар бу ҳужжат такомиллаштирилса ҳам, барибир бу қонун уралмашчиларни тўлатўкис қондира олмайди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси **Е. С. Ерикалов** кекса авлодга мансуб меҳнаткашлар олдида турган муаммолар жуда ўткирлигини таъкидлади. Уруш даври меҳнат ветеранлари етарлича имтиёзларга эга эмаслар. Уларни кўпинча кундалик зарур молларни давлат баҳосида сотиб олиш имкониятидан ҳам маҳрум этмоқдалар.

Свердловск область ижроия комитетининг раиси **Э. Э. Россель** уч муаммони ҳал этиш зарурлиги ҳақида гапирди. Биринчиси — одамларни тўйдириш керак; иккинчиси — ижтимоий муаммоларни ҳал этиш лозим; учинчиси — соғлиқни сақлашни такомиллаштириш даркор. Каттароқ капитал маблағлар бўлмаса, шаҳар қишлоққа реал ёрдам бермаса, деҳқончилик-саноат комплексидаги вазиятни ўнглаб бўлмайди, деди у. Мен имзо чеккан қишлоқ хўжалиги муаммоларига дахлдор биринчи қарор, ерда ишламоқчи бўлган барча кишиларга ер участкаларини ажратиб беришда саҳнни чеклашни бекор қилиш тўғрисидадир.

Қишлоқ ижроия комитетларининг бўйсуниш системасини ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Областимиздаги қурилиш ташкилотлари қўлида катта қувватлар бор, аммо ажратилаётган ресурслар узлуксиз камайиб бораётгани оқибатида малакали қурувчилар кескин камайиб кетди

Область ижроия комитетининг раиси қуйидаги таклифни айтди: Свердловск области меҳнаткашларига улар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг лоақал 5 фоизини бевосита мол айирбошлаш негизида сотишга ижозат берилишини сўраймиз. Биз ана шу маблағга француз атирларини сотиб олмоқчи эмасмиз, деди у, — чунки биринчи галда нима зарурлигини тушуниб турибмиз: бу ерда, «Уралмаш» бирлашмасида айниқса яқ-қол кўринib турганидек, аввало ишлаб чиқариш учун янги технологиялар ва одамлар учун медицина асбоб-ускуналари зарур.

М. С. Горбачев учрашувга якун ясаб, бундай деди: бу ерда Уралда, мамлакат учун жуда муҳим бўлган иқтисодий, мудофаа жиҳатидан илмий вазифаларни ҳал қилаётган жуда кўп одамлар тўпланган. Свердловск ва ундаги меҳнат коллективлари бажараётган ишлар, сизларнинг ташвишларингиз ва хавотирлигингиз — буларнинг ҳаммаси бизларни бу ерга бошлаб келди. Президент ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари сифатида мен, совет раҳбариятининг бошқа аъзолари Уралга кўпроқ эътибор беришимиз лозим, деб ўйлайман.

Бу кенгаш, «Уралмаш» меҳнаткашлари билан суҳбатлар мен учун катта аҳамиятга эга. Биз қайта қуришнинг шундай босқичига етиб келдикки, бу босқичда мамлакатимиз тақдири учун жуда муҳим қарорлар қабул қилиш керак. Одамларнинг ўй-фикрлари, улар вазиятга бераётган баҳо, нималарни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаётган нарсалар — буларнинг ҳаммаси ҳозир жуда муҳим.

Менинг ўз позициям, ўз эътиқодим борлигини тушунасизлар, албатта. Шу билан бирга ўз ҳаётим ва ишимнинг давомида бундай иш услубига амал қиламан: ҳар қандай ечимни, уни сен қандай тасаввур этишингдан ташқари меҳнаткашларнинг фикри билан текшириб кўриш лозим. Бу — сиёсат тўғри бўлишининг, хатолар ва йўқотишлар камроқ бўлишининг энг муҳим шартидир.

Қайта қуришни бошлаётганимизда жамиятимизни бир хил тусда кўрган эдик. Қайта қуришни чуқурлаштирганимиздан кейин майда ремонт қилиб, бўяб, гулқоғозларни алмаштириш билан иш битмаслигини тушуна бошладик. Ҳамма соҳада — иқтисодиётда, федерацияда, партияда, Советларда, маданиятда, бутун маънавий соҳада жамиятни яхшилаш, одамларнинг турмуши учун нормал шароит яратиш мақсадида ўзгартиш — жуда жиддий ўзгартиш талаб этилди. Ҳозир биз катта қарорлар қабул қилиш босқичига яқинлашдик. Шу сабабли мен Уралнинг инсоний, ақлий, илмий, маданий имкониятларини билганим учун бу ерга келишга аҳд қилдим. Бу учрашувни мадад деб биламан ва сизларнинг сиёсатимиз, марказнинг ҳаракатлари хусусида айтган гапларингизни раҳбарият жиддий нарсаларни кўрмай қолмаслиги учун унинг эътиборини қаратишга интилиш деб ҳисоблайман.

Тўғри, баъзи суҳбатлар сафсатабозликсиз ўтмади. Лекин сафсатабозлар ҳам демократиядан фойдаланишмоқда, ҳатто сиз билан биздан кўра кўпроқ фойдаланишмоқда. Аммо бунинг акси бўлиши керак эди: жамиятдаги барча соғлом фикрловчи, масъулиятни ҳис этувчи кишилар ошкоралиқдан, демократиядан фойдаланиб, ҳокимиятни чинакамига ўз қўлларига олишлари лозим эди.

Шу маънода суҳбатларда ва хатларда ўртага қўйилган саволга жавоб қайтармоқчиман — мамлакат раҳбари сифатида шахсан мен жамият тараққиётининг ҳозирги муҳим босқичида ишчилар синфининг ролига қандай қарашимни айтиб ўтмоқчиман.

Партия агар ишчилар синфига таянмаса ўз сиёсатини рўёбга чиқара олмайди ва ўзгаришларнинг олдинги сафида бормайди. Мен бугун сизларнинг корхонангизда 12 ишчи партиядан чиқиш ҳақида ариза берганлигини эшитиб, қаттиқ ташвишга тушдим. Мен бу воқеага ҳозир вақт шундай, бировлар келиб, бировлар кетади деб қаролмайман. Мен завод партия комитетидан ҳам партиядош ўртоқлардан, завод ишчи-хизматчиларидан ҳам улар билан учрашишларини, гап нимада эканлигини тушунишга ҳаракат қилишларини сўрайман.

Мамлакат раҳбарияти ишчилар барча ишимизга фаол ҳисса қўшишларига умид қилади. Нафақат дастгоҳ олдида, гарчи мен митинглар ва мунозараларни тўхтатиш вақти келганлиги ҳақида гапираётган ўртоқларга қўшилсам ҳам, корхонада фаол иш бошлашга киришиш керак. Мунозаралар давом этса керак. Лекин оғирлик маркази барча соҳаларда сиёсат рўёбга чиқарилишига қаратилиши керак. Биз ҳамма ерда ишчилар синфининг қўллаб-қувватлашига умидвормиз. СССР ва Россия Федерацияси халқ депутатларининг, ҳатто маҳаллий Советлар депутатларининг сайловларида ишчиларни анча қисиб қўйганликларига афсусланасан, киши. Очиғини айтаман: бунда Советлар фақат ютқазадилар. Улар энг илғор, фаол, янгиланиш ишига садоқатли кишилар — ишчилар кириши мумкин бўлган маслаҳат органларини тузиш ҳақида ўйлаб кўришлари лозим бўлур эди. Иккинчидан: улар ниманки қилаётган бўлсалар, ана шу ишларнинг ҳаммаси учун меҳнат коллективлари олдида ҳисоб беришлари керак. Бундай бирдамлик бўлмаса Советлар чинакамига ишлай олмайдилар ва ишчилар улардан қониқмайдилар.

Ана шу ўзига хос «тузатиш коэффициенти»ни қўлланиш зарур. Айни вақтда кўп ишчилар нима сабабдан ўз номзодларини қайтариб олганликлари, сайловолди курашида қатнашишдан воз кечганликларини ўйлаб кўриш керак. Чунки сайловолди кураши уларни издан чиқариб юборадиган шаклда борган эди. Бундан сабоқ чиқариш керак. Айтишим мумкинки, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг тўлақонли вакиллигидан маҳрум бўлган Советлар ҳаётдан, одамларнинг аниқ-равшан юмушларидан ажралиб қолишларига йўл қўйиш мумкин эмас.

Мен ҳозирги масъулиятли даврда ишчилар синфининг мавқеи тўғрисидаги саволга асосан шундай жавоб бераман: агар ишчилар синфи сиёсий жараёнлардан орқада қолса ёки нари борса учалик фаол йўл тутмаса, унда қайта қуриш ютқазаверади, биз эса бир ерда депсиниб туравермиз. Мен ана шу маънода бир-биримизни тушунишимизни ҳоҳлардим. Ишчилар синфи янада фаолроқ йўл тутиши учун бугун имкониятлар кўпайди. Касаба союзларидан ҳам, меҳнат коллективлари кенгашларидан ҳам, бошқа ижтимоий ва иқтисодий омиллардан ҳам шундай фойдаланиш керакки, ишчилар синфи ҳозир рўй бераётган ҳодисаларнинг ҳаммасига ўз таъсирини кўрсатсин.

Шундан кейин М. С. Горбачев уралмашликларнинг саволларига жавоб беради. У якка тартибда уй-жой қурилиши тўғрисидаги саволга жавоб қайтарар экан, одамларнинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга иложи борича, шу жумладан корхоналар имкониятларидан фойдаланиш йўли билан кўпроқ ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади. Ҳозир уй-жой қурилишини жадаллаштириш учун муайян имконият мавжуд, менда ана шу хусусда баъзи таклифлар ҳам бор. Мен маҳаллий органлардан якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер ажратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилишларини сўраган бўлур эдим. Хоҳлаган одамлар ўзларига барча зарур неъматларни етиштиришларига имконият бериш мақсадида боғлар ва полизлар учун ҳам ер бериш керак. Бу ҳам озиқ-овқат аҳамиятига, ҳам ижтимоий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ер билан бирга бўлган, у билан муомила қилган одам — бутунлай бошқача одамдир.

М. С. Горбачев қуйидаги саволни ўқиди: «Менинг назаримда КПСС Марказий Комитетининг принципиал негизда жипслашиш тўғрисидаги очиқ хати сизнинг Ленин ҳақидаги сўзингизда баён этилган принципиал негизга зиддир. Менга, оддий партия аъзоси сифатида бу негиз яқинроқ. Оммавий ахборот воситалари туфайли сизнинг услубингизни етарли даражада яхши биламан бинобарин, менга сиз очиқ хатни ёзишда шахсан қатнашмагандек туюлди. Шундай эмасми?».

Очиғи, қатнашганман, — деди М. С. Горбачев, ўртоқлар биз коммунистларнинг Марказий Комитетга йўллаётган мактубларида изҳор қилинаётган ташвишларни ҳисобга олишимиз керак. Булар орасида заводингиздан келган мактублар ҳам бор. Йиғилишлар, конференцияларда партия тақдири учун, у қайта қуриш мақсадлари нуқтаи назаридан ҳам, КПССнинг авангардлик ролини мустаҳкамлаш ва ошириш нуқтаи назаридан ҳам олдимизга қўйилаётган вазифаларни уддалаши учун съездни чинакамига тайёрлаш юзасидан ташвиш билдирилмоқда.

Биз бу фикрларни қабул қилдик, Ҳаракат дастурида ва Устав лойиҳасида иложи борича ифодалашга уриндик. Эҳтимол, бу ҳужжатлар устида яна ишлаш керакмиди, лекин уларни коммунистлар муҳокама қиладилар, танқидий фикрларини айтадилар ва съездга партияни мустаҳкамлайдиган, унга янги, жозибадор қиёфа бахш этадиган яхши ғоялар ва таклифлар билан борадилар, деган мақсадда эълон қилдик. Коммунистлар ўз партияларида ўзларини чинакам хўжайин ҳис қилишлари учун шундай қилдик.

Эҳтимол, ҳозирча ҳамма ишлар кўнгилдагидек бўлмаётгандир, лекин биз тўғри йўналиш, тўғри йўл танладик. Коммунистларни таклиф этиб, муқобил ҳаракат дастурларини тақдим этинг, дедик. Биз эркин фикрлаш, нуқтаи назарларни таққослаш тарафдоримиз. «Демократик ҳаракат дастурини», сўнг «марксистик тактика ва ҳаракат дастурини» эълон қилиб, ўртоқ коммунистлар, муҳокама қилинг, дедик.

Аммо ушбу хатни нима учун ва кимга қарши ёзишимиз керак эди? Жипслашиш ўрнига партияда амалда ажралиш бошланганлиги коммунистларни ташвишга солмоқда. Бу энди фикрлар кураши, нуқтаи назарларни таққослаш, ҳақиқатни излаб топиш, жипслашиш эмас, балки съезд арафасида, эҳтимолки съезднинг ўзида партияни ажратиб юборишга уринишдир. Мамлакат, давлат, жамият ривожининг ана шу масъулиятли, бурилиш босқичида КПССдек катта кучни зарба остига қўйишимиз мумкин эмас. Шу сабабли хат ҳаракат дастурини танқид қилаётганларга эмас, балки бузғунчиларга қарши қаратилгандир. Айтганча, мазкур ҳужжат Марказий Комитетнинг барча аъзоларига, ўлка, область комитетларининг биринчи секретарларига юборилган эди. Улар ўз мулоҳазаларини айтишди ва шундай масала кўндаланг бўлди: Ҳаракат дастури ва Устав лойиҳасини танқид қилар эканлар, ўша танқид қилган ўртоқни партиядан ўчириш керакми? Бундай ҳолда партиядан ўчиришни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьевдан бошлашимиз керак эди. Чунки у Сиёсий бюронинг Ҳаракат дастури лойиҳаси юзасидан бўлган мажлисидаёқ жиддий танқидий мулоҳазалар билдирган эди. Аммо бундай қилишимиз мумкин эмас!

Бу ерда гап ажралиш йўлини тутганлар ҳақида борянти. Агар партия фракциялар курашига тортиладиган бўлса у ҳозирги масъулиятли босқичда етакчилик вазифасини бажара олмайди. Биз барча кучларнинг — «Демократик ҳаракат дастури»дагиларнинг ҳам, «Марксистик ҳаракат дастурини» таклиф этганларнинг ҳам жипслашиши тарафдоримиз. Барча нуқтаи назарларни таққослаш шундай қилиш керакки съезд ўз олдига қўйилган вазифани бажарсин.

М. С. Горбачев Литвадаги воқеалар ривожининг эҳтимол тутилган вариантлари тўғрисидаги саволга жавоб бериб, бундай деди: биз муаммони сиёсий бартараф этиш йўлини топишга умид қиламиз. Лекин сизнинг олдингизда ва мамлакат олдида шуни айтишим керак: биз таваккалчилик қилаётган, демократиядан ўз ғаразли мақсадларини кўзлаб фойдаланаётган раҳбарият-га тўқнаш келдик. Ахир энг оддий масалалар юзасидан ҳам таклифлар тайёрланади, дастлабки тарзда Советларда кўриб чиқилади, сўнг одамлар муҳокамасига қўйилади ва фақат шундан кейингина қарорлар қабул қилинади. Бу ерда эса республика ва унда яшаётган одамлар тақдири тўғрисидаги туб масалани, кўпмиллатли давлатимиз барча аҳолиси манфаатларига тааллуқли масалани ҳал этишда депутатлар тунда йиғилдилар, масалани қўл кўтариб, ҳал қилиб қўя қолдилар. Бу демократиянинг ҳеч қандай доирасига сиғмайди.

Мен СССР халқ депутатларининг учинчи Съезди тўғри қилди, деб ўйлайман. Бизда — Президентда ҳам, ҳукуматда ҳам фақат съезд мандати бор: Конституцион тузум тикланиши керак. Республикада 10 мартда бўлган ҳолатга қайтиш зарур ва шундан кейингина масалани муҳокама қилиш лозим. Акс ҳолда нима бўлади? Ўз республикаларига қайтишни хоҳлайдиган кишиларни нима қилиш керак? (Литва миллатига мансуб бўлмаганлар 700 минг киши атрофида). Белоруссия ерларининг тақдири нима бўлади? Сўнгра, Клайпеда 500 йил давомида немислар қўлида бўлган, уруш якунига кўра Совет Иттифоқига ўтган ва Литва ССР таркибига кирганлиги сабабли ушбу республикага қўшиб қўйилган. Бугун калининградликлар Клайпедани ўз областларига қўшишни таклиф қилишмоқда.

Ниҳоят нефть, хом ашё ва бошқа нарсалар учун қандай қилиб орани очиқ қилиш мумкин? Валюта биланми? Буни ҳам муҳокама қиламиз. «Қўйди-чиқди жараёни» энг аввало умумхалқ фикрини сўраб билишни тақозо этади. Одамлар нима дейишини билиш керак, литваликлар эса жуда ақлли, маданиятли, маълумотли халқ. Қайси йўлдан боришни унинг ўзи ўйласин. Менимча, ҳозир у ерда ақлидрок овозига қулоқ солувчилар тобора кўпаймоқда. Одамларнинг Литва давлати мустақиллигига бўлган интилиши федерация муносабатлари доирасида ҳам қондирилиши мумкин. Энг муҳими, ушбу масалаларни нормал, конституцион шаклда ҳал этиш керак.

Хуллас, биз СССР халқ депутатлари учинчи съезди мандатидан чекинмаймиз.

Курил орол тизмалари тўғрисида савол тушди. Бизда ортиқча ер йўқ. Хельсинки позицияларида — урушдан кейинги воқеликларни, бунга чегараларнинг бузилмаслиги ҳам киради, тан олиш позицияларида турамиз.

Ҳукумат номаълум учар объектлар сингари ҳодисалар билан ҳам шуғулланяптими, деган савол ҳам бўлди. Президент шундай жавоб берди: менга маълум бўлишича, бундай ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланаётган илмий коллективлар бор.

Шундай савол тушди: «Сизнинг назарингизда, ўртоқ Ельцин нима учун Уралда ва «Уралмаш»да катта обрўга эга ва нима учун ҳукумат олдида обрўси йўқ?»

М. С. Горбачев бундай жавоб қилди: Ельцинга муносабатимни кўчада ҳам сўрашган эди. Ўз пайтида мен Свердлов область партия комитетининг биринчи секретари, Марказий Комитет аъзосини Марказий Комитетга ишга ўтишга таклиф қилган эдим — бизга қурилиш бўлимининг мудири керак эди, ўртоқ Ельцин эса партиявий иш тажрибасидан ташқари қурилишда ҳам тажрибаси бор эди, маълумоти жиҳатидан у қурувчи. У рози бўлди ва фаол иш бошлади. Кейин, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарурати пайдо бўлганда, бу лавозимга Борис Николаевични лойиқ деб топдик. Мен уни таништирдим ва Сиёсий бюро номидан тавсия этдим, уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдим. У олдин ишга қизғин киришди, лекин воқеалар шундай ривожландики, шаҳар партия ташкилотида вазият кескин тус олди. Ёзда, мен дам олаётган пайтимда у ана шу лавозимдан кетиш ҳақидаги масалани кескин қилиб қўйди. Мен қайтиб борганимдан кейин маслаҳатлашамиз, дедим. Мақсадим тушунарли — эҳтиросларни пасайтириш эди, ўртоқ Ельцин ишини давом эттираверсин. Лекин Борис Николаевич маслаҳатга қулоқ солмади. Бундай вазиятда ишлашни хоҳламаслигини айтиб, бўшатишни талаб қилди. Менимча, унинг далиллари етарли эмасди. Бу қандайдир инжиқлик эди, Марказий Комитетда ҳам худди шундай деб тушунишди. Буни ҳаммаларингиз ўқигансиз — биз масаланинг тарихини тўла эълон қилганмиз.

Мен уни сақлаб қолиш лозим, деб ҳисоблардим, ана шу жараённи партия демократияси, ўртоқларча, муҳокама қилиш доирасида ушлаб туришга ҳаракат қилдим. Ўртоқларнинг мулоҳазаларига у қандай қарашини яна бир бор сўраб кўрмоқчи бўлдим, йўқ деди у қатъий қилиб, бўшатишингизни сўрайман. Нима ҳам қилардик, бўшатдик. Шундан кейин министр лавозимида унинг тажрибасидан фойдаланишга у Марказий Комитетда ўз фаолиятини давом эттиришига муваффақ бўлдим.

Турмушда ҳар қандай бурилишлар бўлади. Б. Н. Ельциннинг шу ердаёқ пайдо бўлган баъзи хислатларини (унинг услубини мендан яхшироқ биласизлар) биз ҳисобга олдик, лекин биз: Москва партия ташкилоти, масъулият таъсир қилади, бу камчиликлар йўқолиб кетади, деб ўйладик. Бундай бўлмади. Кейин эса, менимча, у яхши йўлни танламади, мухолифлик йўлидан борди.

Биз ундан нималарни олаяпмиз? Керагидан ҳам ортиқча танқидни олаяпмиз. Нима ҳам дердик, бу ҳар бир Марказий Комитет аъзоси ва депутатнинг ҳуқуқи, унинг ҳуқуқи. Аммо, менинг назаримда, ҳозир унинг сиёсий арбоб сифатидаги имкониятлари у қадар кўп эмас. Унинг программаси ва нутқлари менга маълум. Агар уларни бирин-кетин ўқисангиз, бу сийқа бўлиб қолган эски пластинкага, тезисларнинг йиғиндисига ўхшайди: раҳбариятнинг умри тугаб бормоқда, ўз имкониятларини ишлатиб бўлди, халқдан ажралиб қолди ва ҳоказолардан иборат. Фақат танқиднинг ўзини оладиган бўлсак, ҳар ҳолда унинг фойдаси бор. Аммо мен унинг мамлакат раҳбарияти шанига, партия, Марказий Комитет шанига тўнкаётган айбларига қўшила олмайман.

У тилга олаётган нарсалар жиддий сиёсий таҳлил этишни талаб қилади. Принципиал, танқидий кўз билан қаровчи талабчан бўлиш билан бирга ўзи ҳам масъулиятли бўлмоғи керак. Борис Николаевич эса қийинчиликлардан, ижтимоий-иқтисодий кескинликдан фойдаланмоқчи бўлаяпти. Бундай қийинчиликлар ва кескинлик мавжуд, лекин сафсатабозлик позициясидан туриб қийинчиликлардан ўз мақсадида фойдаланиш эмас, балки сабоқ чиқариб олиш, ишни юргизиб юбориш учун ҳаракат қилиш мумкин ва лозим. Борис Николаевич ноамалий йўлга ҳаддан ташқари берилиб кетди ва ундан чиқа олмаяпти, деб ўйлайман.

Сиз тушунасиз, албатта: мен Свердловскка келганлигим ва мендан бу ҳақда сўраганингиз учун батафсил жавоб қайтардим. Умуман мен бу мунозарага ҳеч қачон батафсил тўхтаган эмасман, бундай мунозараларни ёмон кўраман. Биз ҳозир шиорлар ва ваъдалар билан шуғулланмаслигимиз, балки иш қилишимиз керак.

Имтиёзлар тўғрисида ҳам гапириш керакмиди. Биз шундай қилишимиз керакки, ҳеч қандай ғайриқонуний имтиёз бўлмаслиги лозим. Фақат битта имтиёз бўлиши керак: меҳнат, истеъдод, мавқе, хизмат — буларнинг ҳаммаси фақат қонуний асосда қадрланиши керак. Шу мунос

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

20 апрель куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат плани, республиканинг 1990 йил 1 квартали давлат бюджетининг бажарилиш якунлари ҳамда иқтисодий ислоҳотни янада ривожлантириш тадбирлари, шунингдек Тошкент ва Фарғона область ижроия комитетларининг ушбу масалага оид иши тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Жумҳурият иқтисодиёти ижтимоий соҳага кўпроқ йўналтирилганлиги халқ турмуш фаровонлигини оширишга оид тадбирлар амалга оширилганлиги ижтимоий-сиёсий кескинлик кучайишини бирмунча пасайтириш имконини берганлиги айтиб ўтилди.

Бироқ жумҳурият халқ хўжалигидаги айрим ижобий ўзгаришлар бурилиш тарзида эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида аҳоли турмушини яхшилаш билан боғлиқ йўналишлардаги ишларнинг аҳволи айниқса ташвишлантираётганлиги таъкидланди. Ижтимоий ишлаб чиқаришдаги тушкунлик ҳолати сақланиб қолмоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планидаги номутаносиблик 343 миллион сўмни ташкил этди. Уй-жойлар, умумий таълим мактаблари, касалхоналар ва коммунал объектларни ишга туширишда, пулли хизматларни амалга ошириш плани барбод бўлди.

Республика Министрлар Совети министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети, иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналар биринчи раҳбарларининг ташкилотчилик фаолиятига тегишли баҳо берди ва улар зиммасига 1990 йилнинг биринчи ярим йиллик плани сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган аниқ-равшан чоралар кўриш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига ва Ўзбекбирлашувга маҳаллий Советлар ижроия комитетлари билан биргаликда халқ истеъмол моллари етказиб бериш учун ажратилган фондлар тўла ишлатилишини таъминлаш, товар ресурсларини товар оборотига жалб этишга оид мавжуд имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланиш таклиф этилди.

Жумҳурият Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига, Ўзбекистон ССР Савдо Министрлигига, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат кооператив комитетига, Ўзбекбирлашувга мамлакатнинг бошқа регионлари билан халқ истеъмол молларини айирбошлашни йўлга қўйишга оид таклифлар тайёрлаш вазифасини топширди.

Мажлисда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда силжишлар бўлмаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Тошкент шаҳри ва бошқа шаҳарлар аҳолиси эртаги сабзавот билан таъминланиши ёмонлашган. Тайёрлов ташкилотлари деҳқончилик маҳсулоти ва хом ашё харид қилиш учун шартномалар тузилишини таъминламадилар. Қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларини экиш муддатлари кечиктириб юборилмоқда.

Муҳокама чоғида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, «Узсортсемовощ» бирлашмасининг эътибори баҳорги дала ишларини қисқа муддатларда тугаллаш, колхозчилар, совхоз ишчилари ва бошқа гражданларнинг шахсий томорқа хўжаликларини ем-хашак билан таъминлаш, шунингдек уларга зотли бузоқлар ва парранда, қишлоқ хўжалик техникаси ва ўғит сотиш юзасидан амалий чоралар кўришни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Сўзга чиққан кишилар йил бошидан бери республиканинг қурилиш комплексида олға томон туб ўзгаришлар рўй бермаганлигини айтдилар.

Қурилиш министрликлари ва идоралари 104 миллион сўмдан ортиқ капитал маблағларни ва 57,3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ўзлаштирмадилар.

Шу муносабат билан Министрлар Совети буюртмачи министрликлар ва идоралар, пудратчи қурилиш министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш планини бажариш борасидаги ишини қониқарсиз деб топди ва улар зиммасига 1-ярим йилликда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш вазифасини юклади. Республика банкларига буюртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги қарзни таҳлил этиш ва уни қоплашга оид чоралар кўриш вазифаси топширилди. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм область ижроия комитетларига якка тартибда уй-жойлар қуришни ташкил этишга эътибор сусайганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Давлат таъминот комитети, қишлоқ хўжалик давлат кооператив комитети, Давлат нефть маҳсулотлари комитетига ва бошқа таъминот-савдо ташкилотларига моддий-техника таъминотини яхшилашга доир узил-кесил чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Хўжалик механизми самарали ишлашини таъминламаган республика молия органлари кескин танқид қилинди. Нутқларда Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, банклар, министрликлар, идоралар ва корхоналар молиявий соғломлаштириш программасини рўёбга чиқариш борасида узил-кесил тадбирлар кўрмаганликлари таъкидланди. Республикада самарали хўжалик оборотида 4 миллиард сўмга яқин миқдордаги ўзимизнинг ва қарзга олинган маблағларимиз мунтазам равишда фойдаланилмаяпти. Ўзбекистон давлат банки пул муомаласи, кредитлардан фойдаланиш, қарзларни узиш, кооперативларга нақд пул бериш устидан қаттиқ назорат ўрнатиши талаб этилади.

Қабул қилинган қарорда министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг раҳбарларига хўжасизлик ва суиистеъмолчиликка қарши муросасиз кураш кучайтириш, маблағларни оқилона сарфлашда керакли тартиб ўрнатиш, фойда (даромад) планлари ва бюджет мажбуриятлари бажарилишни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлигига, республика банкларига корхоналар ва ташкилотлар ўз маблағлари ва қарзга олинган оборот маблағларидан тўғри фойдаланишлари учун назоратни кучайтириш, берилган кредитлардан қониқарсиз фойдаланиш фактлари пайини қатъиян қирқиш, уларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўлланиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент ва Фарғона область маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқаришга доир тадбирларни суст амалга ошираётганликларини, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминламаганликларини уқтирди. Область ижроия комитетларининг ўткир ижтимоий масалаларни ҳал қилишга доир аниқ-равшан режалари йўқ, улар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларини бажаришда етарли қатъият кўрсатмаяптилар. Областларнинг турли бўлинмаларида ижтимоий адолат принциплари амалда рўёбга чиқарилмаяпти.

Қарорда Тошкент ва Фарғона областларининг ижроия комитетлари областларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида етарли даражада ташкилий иш олиб бормаётганликлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари ўз ҳудудларини комплекс ривожлантиришда уларга берилган катта ҳуқуқ ва имкониятларни амалга ошириш борасидаги фаолиятларининг усул ва услубларини суст қайта қураётганликлари қайд этилди. Фарғона область ижроия комитети раиси Ғ. Фозиловнинг ҳисоботи қониқарсиз деб топилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети унинг зиммасига ишда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни юклади.

Тошкент ва Фарғона областлари ижроия комитетларига улар фаолиятининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мажлисидаги қилинган муҳокамасини ҳисобга олиб, ҳокимият территориал органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир аниқ-равшан тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У биринчи квартал иш якунларини чиқарар экан, ҳукумат республика олға қараб силжишида халқит бераётган камчиликлар ва муаммоларни таҳлил этишга катта эътибор бериши лозимлигини таъкидлади. Мавжуд резервларни сафарбар этиш, халқ хўжалиги барча тармоқларида интизомни, уюшқоқликни ва тартибни мустаҳкамлаш зарурлигини уқтирди.

И. А. Каримов Министрлар Советидан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларидан ҳукумат программаси сўзсиз бажарилишини ва айниқса унинг халқ фаровонлигини ошириш, кам таъминланган, бетоб ва кекса гражданларга ёрдам бериш, уй-жой қурилишини жадаллаштириш, аҳолини сув билан таъминлаш ва аҳоли пунктларини газлаштириш билан боғлиқ асосий масалаларни ҳал этишларини талаб қилди.

Республика Президенти ҳукумат олдига бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан тайёргарлик ишларини бошлаб юбориш вазифасини қўйди. Бунинг учун аҳолининг, айниқса кўп болали оилалар, студентлар, пенсионерлар ва кам ҳақ оладиган ходимлар сингари ижтимоий жиҳатдан ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш системасини аниқ ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ушбу кўрсатмалар муносабати билан республика Давлат план комитетига, марказий иқтисодиёт органлари, министрликлар ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига ҳукумат программасини, сайловчиларнинг наказларини, халқ депутатларининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида айтган таклифлари ва мулоҳазаларини бажаришга доир аниқ-равшан тадбирлар ишлаб чиқишни, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг 1991 йил ва ундан кейинги йиллардаги планларини ишлаб чиқишда уларни ҳисобга олишни топширди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига туб иқтисодий ислоҳот шароитларида кучгайратларни республикани илмий-техникавий ривожлантиришнинг янги йўлларини аниқлаш, илмий муассасалар, фан бўлимларининг аҳоли турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим муаммоларини қараб чиқиш ва амалда ҳал этиш юзасидан халқ хўжалиги тармоқлари ва регионлар билан ҳамжиҳатлигини яхшилаш таклиф этилди.

Республика министрлар Совети ҳайъатининг шу куни бўлган мажлисида Тошкент шаҳар халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитетининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни қандай амалга оширилаётганлиги хусусидаги ахбороти тингланди. Қонунни амалда қўлланишга доир қўшимча тадбирлар кўрилиши зарурлиги таъкидланди.

Республика Министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг область, район, шаҳар ижроия комитетларига «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга ошириш юзасидан давлат программаси қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилиш, республика аҳолиси ўзбек тилини ўрганиши ва билишига доир тарғибот ишларининг шакл ва усулларини аниқлай олиш топширилди. Давлат тилини қўлланишга доир тадбирлар амалга оширилаётганида бошқа миллат гражданлари ҳуқуқларини камситишга йўл қўйиб бўлмаслиги, муомалада, тарбияда ва таълим олишда тилни эркин танлаш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

МХР БОШ КОНСУЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидов Мўғулистон Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ц. Буянтогтохни Ўзбекистон пойтахтида бўлиш муддати тугаши муносабати билан 26 апрель куни қабул қилди.

Ш. Р. Мирсаидов Ц. Буянтогтохнинг Бош консул лавозимидаги фаолиятидан мамнунлигини айтди. Ҳар икки томон Мўғулистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланаверсин, деган истакни айтди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри Ё. О. Азимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

• *Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан*

ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

МЕНГА Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан то охиригача фронтларда бўлишга тўғри келди. Буюк Ғалабамизнинг шонли юбилейи муносабати билан инсоният тарихида мисли кўрилмаган ана шу урушнинг бошланиши ва унга хотима берилишига доир айрим хотираларимни ўқувчилар билан баҳам кўрмоқчиман.

Бизнинг алоҳида понтон-кўприк қисмимиз 1941 йил июнида Черновицкий областининг Хотин шаҳрида турарди. Унга подполковник Насонов қўмондонлик қиларди. Ўртоқ Фридман комиссар, ўртоқ Соловей партия комитетининг секретари, мен эса комсомол ташкилоти секретари эдим.

1941 йил 21 июнь соат 23.00 да партия комитети мажлиси тамом бўлди. Ҳаммамиз ётар жойимизга тарқалиб кетдик. Ярим кечада мен турган жойнинг кекса соҳибаси хонам эшигини тақиллатиб, ҳаяжон ичида «Жаноб офицер! Отишяпти!» — деди. Ўрнимдан сакраб туриб дераза ёнига бордим. Осмонда тўда-тўда самолётлар, улар шунчалар паст учардики, ҳатто ҳочлари шундоққина кўриниб турарди. Атрофдан бомба портлаган овозлар эшитилди. Шу тобда телефон жиринглаб қолди. Навбатчи офицер хабар қилди: «Шошилинч равишда штабга етиб келишни таклиф қилишмоқда». Машинани ҳам кутмай, югурганимча штабга бордим. Биринчи эшитганим ўнларча жангчи ва тўрт офицер ўлдирилганлиги, ярадор қилинганлиги тўғрисидаги ахборот бўлди.

Қўмондонлик состави кенгашида Гитлер шартномани бузиб, мамлакатимизга қарши уруш бошлаганлиги айтилди. Тезда ҳаммага вазифа тақсимланди. Шахсий составни, ҳаракатдаги понтон (вақтинча) кўприкни, моддий қисм ва бошқа техниканинг бус-бутун сақланишини таъминлаш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди. Барча ротали, взводлар, бўлимларда шошилинч йиғилиш ўтказилиб, қўмондонликнинг буйруғи ўқиб эшиттирилди: биринчи расчетга қирғоққа етиб бориш ва вақтинча кўприкларни йиғишга тахт бўлиб туриш топширилди. Орадан бир неча минут ўтар ўтмас, биз ўша буйруққа биноан яқингинасида жанглар бошланиб кетган қирғоққа келиб, тахт бўлиб турдик.

Шундай қилиб, урушнинг биринчи куни ва биринчи соатларида биз қандай қуролланган бўлсак, ўша ҳолимизча тиш-тирноғигача қуролланган фашист босқинчиларига рўбарў келдик.

Бизнинг қисмимиз генерал Радион Яковлевич Малиновский қўмондон бўлган армияда эди. Биз ана шу армия билан катта талофат бериб, оғир жанглар қилиб Волга томон чекинишга мажбур бўлдик. Армиянинг омон қолган қисми (у техникадан маҳрум бўлган эди) Волга бўйидаги Калач шаҳрига, Сталинграднинг рўбарўсига жойлашди. Шу ерда одамлар ва қурол-яроғлар билан тўлдирилиб, армия машҳур Сталинград жангида қатнашди ва иккинчи жаҳон урушининг боришида бизнинг фойдамизга бурилиш ясашни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшди. Шундан кейин бизнинг қисмимиз бошқа хил қўшинлар билан бирга Шарқий ва Марказий Европанинг кўпгина дарёларини кечиб ўтди. Биз охирги вақтинчалик кўприкни 1945 йил 25 апрелда Эльба дарёсига қурдик. Ана шу ерда гитлерчи фашистларга қарши каолиция давлатларининг иттифоқчи армиялари вакиллари учрашганликлари тарихдан яхши маълум.

Бомбардимонларнинг бирида оёғим қаттиқ шикастланди ва контузияга учрадим. Мени Тбилисига олиб келиб, ҳарбий госпиталга жойлаштиришди. Врач ва медицина ҳамшираларининг парвариши ва меҳрибонлиги туфайли уч ойда оёққа турдим. Кейинчалик алоҳида вазифани бажарувчи радио-разведка қисмларида сиёсий ходим бўлиб ишладим.

1943 йилда мени радио-разведка қисмидан Томск шаҳридаги махсус курсга юборишди. Йўлимиз Тбилиси, Боку, Красноводскдан ўтарди. Шунда менинг омадим келиб қолди: поезд қандайдир сабаб билан Тошкентда бир кеча-кундуз туриб қолди. Шундан фойдаланиб, уйимдагиларни кўриб келишга қарор қилдим. Кечаси бориб, эшикни тақиллатганимда ҳовлидан «Ким у?» — деган овоз эшитилди. Кимлигимни айтмай «Очинглар» деб қичқирдим. Онам овозимдан таниб, эшикни очгани югурдилар. Эшик очилди-ю, мен ўзимни онам ва рафиқам Мукаррам бағрида кўрдим. Ана шу дамдаги ҳаяжон ҳурсандчилик ёшлари, висол интиқлигини тасвирлашим қийин. Ўша куни уйимизда меҳмонлар ҳам бор экан. Ҳамма ҳовли билан битта бўлиб кетди. Онам мендан бир қарич ажрамасдилар, ҳаяжондан нафаслари тиқилиб, гапиролмасдилар. Менга меҳр тўла кўзларини тикиб, бошдан оёқ разм солар, оёқ-қўлим соғ-омонми, деб ушлаб-ушлаб қўярдилар.

ОИЛАМИЗДА ўтказган ўша қисқагина вақт ҳали-ҳали эсимда, Ўзбекларнинг одати бўйича оила аъзоларидан бири узоқ сафардан қайтса ўша ҳовлида бамисоли тўй бўлиб кетар, тўкин дастурхон тузалиб, лаззатли таомлар пиширилади, қўни-қўшнилар ҳам топган-тутганларини кўтариб келишади. Лекин бу сафар машъум урушнинг оғир кунлари шундоққина сезилиб турарди. Онам кунжара ва арпа уни аралаштириб ёпилган бир неча бурда қора нон, икки-учта зоғора ва бир ҳовучгина қуруқ мевани дастурхонга олиб келиб қўйдилар. Орадан кўп фурсат ўтмай онаизорим ўйда бор нарсадан бир амаллаб нонпалов пишириб келдилар. Ҳаммамиз зўр иштаха билан покиза туширдик. Ўша-ўша картошка, пиёз ва нондан димлаб пиширилган бу овқатнинг мазаси оғзимда қолган.

Маҳалла комитетига раислик қилаётган отам дастурхон устида аҳолидан қанча кийим-кечак, пойабзал, қуруқ мева, сабзавот тўпланиб фронтларга жўнатишганини айтиб берди. Маҳалладаги оилалар фронтга ёрдам учун қанча сўм ҳисса қўшганини таъкидлади.

Ўзбек халқининг юксак маънавий ҳолати, сиёсий савияси тез ўсиб кетгани менда чуқур таассурот қолдирди. Ўша вақтда маҳаллламизда на электр, на радио бор эди. Лекин каттадан кичик мислсиз қийинчиликларга, уруш бошга солган оғир жудоликларга қарамай, мамлакат дарди билан яшарди.

...Уруш тугалланганлигини биз чет элда нишонладик. Мен бошлиқ бўлган «алоҳида вазифани бажарувчи» оператив группа ўша вақтда анча олисда эди. Группамиз юқори малакали офицерлар ва кичик қўмондонлар мажмуидан иборат бўлиб, улар энг замонавий радиотехника воситаларини моҳирлик билан ишлатиб, зарур ахборотларни ўз вақтида тузиб, ғалабани яқинлаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшган эдилар.

1945 йил апрель ойининг охирида, хусусан, Гитлер ўзини-ўзи ўлдириб, фашизмнинг бошқа саркардалари тарқиб кетган ёки жонидан жудо бўлган, Берлин олиниб, совет жангчилари Егоров ва Кантария Рейхстаг устига Совет байроғини қадаганларидан кейин бизнинг қамрови кенг ҳудудда ҳам вазият жиддий равишда ўзгарди, қўлга киритилиб, марказ эътиборига етказиладиган материалларимиз ҳам бошқача бўлиб қолди. 8 майда эфирда одатдан ташқари жонланиш ҳукмрон эди. Бутун дунё қандайдир янги, ҳаммани ҳайратлантирувчи хабарни кутарди. Унга бўлган қизиқиш соат сайин зўрайиб борарди. ўша куни кечқурун мен тез орада радио орқали шошилинч хабар берилиши тўғрисида маълумот олдим. Сиёсий қисм бўйича ўринбосар ва группа штаби бошлиғини таклиф қилиб, уларни шифровка билан таништирдим. Орадан бир соат ўтгач, шахсий составни тўплаб (аппаратларда ишлаётганлардан ташқари) вазият ҳақида гапириб бердим, ҳушёрликни оширишни, радио хабарларини тутиш ва беришда аниқлик, сифатни таъминлашни уқтирдим. Ҳар бир кимсанинг вазифаси аниқлаштирилган янги буйруқни имзоладим.

8 майдан 9 майга ўтар кечаси ҳеч ким мижжа қоқмади. Соат 23.30 да махсус кийим ва наушникни тақиб, мен ҳам хабар тутувчи аппаратлардан бири ёнига ўтирдим, бутун вужудим «қулоққа» айланди. Аппаратни Москвага тўғриладим.

Тунги соат иккилар чамаси эди. Бирдан дона-дона айтилган сўзлар эшитила бошлади: «Диққат, диққат... Москвадан гапирамиз... Тез орада муҳим хабар эшиттирамиз...» Ана шу сўзлар ҳар бир-икки минутда такрорланиб турди Ниҳоят, 9 май тунги соат 2.15 минутда Юрий Левитан ўзининг салобатли таъсирчан овози билан Берлинда фашистлар Германияси қуролли кучлари сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжатга имзо чекилганидан бутун дунёни хабардор қилди. Шундай қилиб, 1418 кун давом этган даҳшатли урушга хотима берилди.

УЛУҒ Ватан уруши уни бошлаган гитлерчи-фашистларнинг узил-кесил мағлубияти ва совет халқининг тўла ғалабаси билан тамомланди. Шундан сўнг диктор 9 май бизнинг мамлакатимизда Ғалаба байрами, умумхалқ тантаналари куни, деб эълон қилинганлигини айтди. Левитаннинг гапларини эшитар ва ёзиб олар эканман, ҳаяжондан бутун вужудим титрар эди.

Радиодан ёзиб олганларимни текшириб чиқмоқчи эдим, аммо Левитаннинг овози тиниши биланоқ ахборотлар маркази биносида ғала-ғовур кўтарилиб қолди. Наушникни олиб аппаратни ўчирдимда, орқамга қайрилиб қарадим. Ҳамма ўз иш жойидан қўзғалиб, хона ўртасига йиғилиб овози борича «Ғалаба! Ура! Уруш тамом бўлди!!!» деб қичқирарди. Қувончдан кўзларда ёш, одамлар бир-бирини қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпишарди. Бу ғала-ғовурни эшитиб, бошқа бинодагилар ҳам бизнинг ҳузуримизга югургилаб келишди. Узоқ кутилган қувончли хабарни эшитиб, улар ҳам кўпчилик шоди-ҳуррамлигига қўшилиб кетишди. Шу тобда старшина Коваленко мени ёнимга келиб, байрам дастурхони тузатишга рухсат беришимни сўради. Албатта мен рози бўлдим. Тунги соат 4 да навбатчи аппаратчилардан ташқари ҳамма ошхонага тўпланди. Дастурхон устида колбаса, қуруқ мевалар, консервалар... Ҳар бир кишига икки нормадан сув аралаштирилган спирт ва мохорка берилди.

Кейинчалик, орадан кўп йиллар ўтгач, менга қироллар, президентлар, бош министрлар, қўмондонлар, сиёсий, диний ва бошқа арбобларнинг қабулларида, зиёфатларда бўлишга тўғри келди. Уларда табрик сўзларини кўп эшитдим, ўзим ҳам гапирганман. Лекин уларнинг ҳеч бирини 1945 йил 9 май тунги соат 4 ва 6 ларда бизнинг Совет Армиясига мансуб оператив группанинг жанговар, жипслашган, интернационал даврасида бўлиб ўтган самимий шоду-ҳуррамлик тантаналарига сира ўхшата олмайман.

Тонгда Москвадан Совет халқига Мурожаат эшиттирилди. Ҳаммамиз буюк Ленин партияси раҳнамо бўлган Ватанимиз халқлари, унинг шонли Қуролли Кучлари душман устидан ғалаба қозонганлигидан, шон-шуҳратимиз ва мустақиллигимиз сақлаб қолинганлигидан, инсоният фашизм вабосидан халос бўлганидан ниҳоятда шод-ҳуррам, бахтиёр эдик.

Менинг армиядаги хизматим 1946 йил бошларида ниҳоясига етди ва мен Тошкентга келдим. Шуни айтишим керакки, Совет Армияси сафида хизмат қилган йилларим жуда кўп жангчилар қатори мен учун ҳам чинакам ватанпарварлик, байналмилал тарбия, жасорат мактаби, бўлди.

Уруш йилларида Совет Иттифоқининг, ҳеч истисносиз, барча халқлари, ўз Ватанлари ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишдек муқаддас бурчларини шараф билан адо этдилар. Биз буни Ўзбекистонимиз тимсолида яққол кўришимиз мумкин.

Юқорида мен уруш йилларидаги Аллон маҳалласи ҳаётини тилга олгандим. Мамлакатимиз бошига оғир кунлар тушганида умуман бутун Ўзбекистон ватанпарварлик кайфияти ва душман устидан ғалаба қозонишга ўз меҳнати билан қўмаклашиш истаги билан тўлиб тошган эди. Республикамизнинг неча юз минглаб ўғил ва қизлари кўпмиллатли Совет Иттифоқидаги ўз қардошлари билан елкама-елка туриб, фронтларда қаҳрамонона жанг қилдилар.

ВОЛГА бўйида оғир жанглар кетаётган кунларда ўзбек жангчилари ўзбек халқининг мурожаат —мактубини олдилар. Унинг матнини ёзувчилар Ғофур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Йўлдош Шамшаров, Фотима Йўлдошбоевалар (ўша вақтда республика Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишларди) тайёрлашган. Мурожаатга Ўзбекистон меҳнаткашларидан 2 миллион 412 киши имзо чеккан эди.

Унда жумладан, шундай дейилган эди: «Ўзбек халқининг йигитлари! Сенинг ота-боболаринг қўлларини кишанга тутиб беришдан кўра, энг қалин занжирларни ҳам қўл билан узиб, тиш билан синдириб ташлаганлар. Гитлер фақат Европа миллатларининг, славян халқларининггина душмани эмас, у шарқ халқларининг ҳам душмани.

Сен шундай қилишинг керакки, маккор ва қонхўр босқинчини бевосита кўчангга, маҳалланга киришини кутмасдан, уни ўша қардошларинг эшигида тор-мор келтириб қайтаргин.

Лекин руснинг уйи сенинг уйинг, украин ва белоруснинг уйи — сенинг уйингдир. Чунки СССР шундай бир иттифоқ оиладирки, бу оиланинг ҳар бир аъзоси ўз хонасида турса ҳам, ҳовли ва қўра, тиричилик ва рўзғор жиҳатидан шерикдир.

Бизнинг ўртамизда уйларимизни бўладиган марза йўқ. Бу ҳовлида биронта уй қуриб, бирон биродаримиз ўз хонасидан маҳрум бўладиган бўлса, бу кетган ва йўқолган уйини қардошимизга тиклаб бериш, оила аъзоларини сира камситмаслик сенинг вазифангдир, эй ўзбек жангчиси!»

Мурожаат —мактубни ўзбекистонлик жангчилар наказ, халқнинг муқаддас иродаси сифатида қабул қиладилар ва у жангчилар руҳини кўтаради, жасоратга чорлайди.

Ўзбекистонлик жангчилар ва офицерлар кўрсатган жанговар қаҳрамонлик республикамиздаги деярлик ҳар бир оиланинг фахри, унутилмас ҳотираси бўлиб қолди. Партия ва халқнинг содиқ фарзанди генерал Собир Раҳимов шонли совет ҳарбий саркардалари авлодига мансубдир. У ўзининг жасурлиги, қўмондонлик таланти ва қобилияти туфайли душман устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдики, бу билан ўзбек халқи ҳақли равишда фахрланади.

Республикада шакллантирилган ҳарбий қисмлар ва қўшилмалар фронтларда довюраклик билан қаҳрамонона жанг қилдилар. Чунончи, 162-Ўрта Осиё Ўқчилар дивизияси Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. 5-дивизия «Орловская» номини олади. Орлов областидаги Золотаревка қишлоғига фарғоналик пахтакор, 5-дивизиянинг жасур жангчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров шарафига Шукуровское номи берилди.

Днепрда бўлган жангларда, Украина, Белоруссия, ва Болтиқбўйини озод қилишда ўзбекистонлик юзлаб жангчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Улар орасида Б. Эргашев, К. А. Тихонов, П. А. Тройкин, Ҳ. Аминов, К. Жалилов, В. А. Масляков, Э. Қосимхўжаев, Ф. Э. Дёмин, К. Ёқубов, қорақалпоқлардан Т. Жумабоев, В. Содиқов, В. Ҳабибов, С. Оллоназаров, У. Жуманиёзов, М. Болмагамбеков ва бошқалар бор эди.

Ўзбек жангчилари Варшава (5439 киши), Прага (6846 киши), Белград (664 киши), Будапешт (2430 киши), ва Вена (2000 киши) каби пойтахт шаҳарларни озод қилишда жонбозлик кўрсатганликлари учун ҳукуматнинг юқори мукофотларига сазовор бўлишди. Берлинни штурм қилиш ва қўлга олишда ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари В. Д. Бобоев, Т. Бобоев, С. Умаров ва бошқалар ҳам иштирок этган эдилар.

Душманга қарши курашга уюшган Белоруссия партизанлари сафида ўзбекистонликлардан М. Топиболдиев (отряд командири), А. Абдураззоқов, И. С. Жаров, К. Абдувалиев, И. Я. Волков, К. Даниэль, Т. Исломов, Д. Отабоев, Ф. Романов ва бошқалар мардона жанг қиладилар. Брянск ўрмонларидаги партизанлар орасида Ўзбекистондан 145 жангчи бор эди.

Умуман олганда фронтларда кўрсатган жасоратлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ўзбекистонлик жангчи ва офицерлардан 120 мингдан ортиқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди. Шундан 289 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди. Улуғ Ватан уруши фронтларида 6 мингдан ортиқ ўзбекистонлик аёллар қўлда қурол билан душманга қарши мардона жанг қилдилар. Ҳукумат мукофотларига сазовор бўлганлар орасида аёлларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Ўзбекистонлик солдат ва офицерлардан 600 мингга яқини Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашга ўз ҳаётларини фидо этдилар. Уларнинг порлоқ хотираси шаҳар ва қишлоқларда тикланган ёдгорликлар пойида ёниб турган мангу олов шуълаларида, улар қабрлари тошига ёзилган қалб сўзларида, туғишганлари ва энг яқин ёру биродарлари қалбида мангу сақланмоқда.

Н. МУҲИТДИНОВ,
партия ва меҳнат ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

(Давоми бор).

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

вом эттириш керак. Мана шу барча масалалар мураккаб ва хилма-хил масалалардир, дейилди учрашувда. Шу боисдан бозор муносабатларига ўтиш тўғрисидаги узил-кесил қарорни республикалар билан келишиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш йўли билангина қабул қилиниши мумкин.

Бошқа томондан республика ҳукумати бундай қарорни қабул қилгунга қадар албатта халқ билан маслаҳатлашади. Халқнинг фикрини ҳисобга олгандан кейингина узил-кесил программани тайёрлайди. Шунинг учун саросимага ҳеч қандай асос йўқ. Оммавий ахборот воситаларининг вазифаси эса ана шу муаммони Ўзбекистон меҳнаткашлари, барча аҳолиси ўртасида кенг кўламда, амалий муҳокама қилинишини йўлга қўйишдан иборат. Бироқ ҳозир бу ишни самарали олиб бориш учун журналистларнинг ўзларини тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш зарур. Бундай иқтисодий ўқув ишга билимдонлик, вазминлик ва холис ёндашувни таъминлайди. Айни пайтда иқтисодиётни такомиллаштиришнинг самарали йўлларини қидириб топиш учун илм-фан кучларини, мутахассисларни ва жамҳурият тақдирига бефарқ бўлмаган барча кишиларни бирлаштириш талаб этилади

Турли миш-мишлар, эҳтиросларни авж олдиришга ҳам қарши курашиш даркор. Масалан, республиканинг бир қанча шаҳар ва посёлкаларида савдо ходимлари асоссиз равишда «юқоридан берилган фармойиш»га таяниб айрим молларни сотишни чеклаб қўйганлар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, деди И. А. Каримов. Савдо ташкилотларида бўлган ҳамма нарсалардан жамҳурият аҳолиси манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш керак. Бунга мисол қилиб шуни келтириш мумкинки, ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча колхоз бозорларида гўшт маҳсулотлари нархини оширишга уринишларнинг пайи қирқилди.

Ўзбекистон ССР Президенти саволларга жавоб қайтариб республика Министрлар Советининг бир қанча товарлар ва маҳсулотларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқишни вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигига алоҳида тўхталди. У энг аввало жамҳурият ички бозорини озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўла таъминлаш учун шундай қилинганлигини айтди. Ўзбекистондан кўплаб камёб моллар олиб чиқиб кетилаётганлиги шундай чора кўришга сабаб бўлди.

Масалан, Қарши аэропортида Бугуруслан шаҳридан келиб, самолётга 55 қоп қанд-шакарни ортишга уринган киши ушланди. Андижон вилоятида эса 65 минг сўмлик асал ва 18 минг сўмлик бинокорлик материалини олиб чиқиб кетишга уринишнинг пайи қирқилди. Шунга ўхшаш бошқа фактлар ҳам бор.

Республика ҳукумати жамҳурият аҳолиси эҳтиёжларини имкони борича кўпроқ таъминлаш, ҳаддан ошишларга, бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўрмоқда. Хусусан, маҳсулотни мамлакатнинг бошқа регионларида сотиш учун рухсат бериш тадбирлари ўйлаб кўрилмоқда. Бу энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тааллуқлидир.

ҲАМЖИҲАТЛИК—ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Аммо энг муҳими — социализм демократия, қонунийлик доирасида туб ўзгаришларни амалга оширишга мамлакатимиз мисолида кўрсатиб беришдир. Жамиятда тарафкашликка ва айниқса гражданлар урушига, зўравонлик, қонунсизлик, ўзбошимчаликка йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қилиш лозим. Қонун ҳукмрон бўлиши керак. Яна бошқача фикрловчиларнинг қувғин этилишига, ҳаммага душман деб шубҳа билан қараб нафрат уруғини сочишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Россиянинг тақдири бунда эмас-ку ахир. Демократик, инсонпарвар социализм сари янги қонунсизлик орқали бориб бўладими? Йўқ! Ишончим комилки, мамлакатимизда ҳамма ишни яхшиликча қилишимиз керак. Сабр-тоқат, бардош зарур. Баъзи бировлар: Михаил Сергеевич, муштингиз билан солинг! деб даъват этишмоқда. Бошқалар эса штабларга зарба беришга буйруқ беринг! дейишмоқда. Азиз ўртоқлар, биз халқнинг ўзи демократия тартиби орқали, партиядаги демократик жараёнларда энг муҳим масалаларни ўзи ҳал қилиши учун демократия жараёнларини, ҳуқуқий давлат барпо этишни кучайтирмоқдамиз. Столни мушт билан уриш эса боши берк кўчадан чиқмаслик демакдир.

Биз маърифатли мамлакат бўлишимиз лозим. Кўп жафо чеккан ва тарих учун, бутун дунё учун жуда кўп иш қилган халқларимиз бунга муносибдир. Чунки бизнинг социалистик ҳиссамиз бўлмаганда эди ҳозир дунё бошқача бўларди.

Ҳозир ҳам қайта қуриш ғалаба қозонса, дунё бутунлай бошқача бўлади. Агар биз ютқазсак (мен эса ютқазмаймиз деб ўйлайман), йўлимиз озроқ ёки кўпроқ даражада қийин бўлиши мумкин, ана унда дунё ўзгариб, аҳвол қийинлашади. Шуни аниқ биламанки, халқимизни эски турмушга қайтариб бўлмайди, унинг оғзини беркитиб бўлмайди. Демократиялаш, ошкоралик туфайли жамиятимиз нафас олган соф ҳаво — бу халқимизга, ҳар бир кишига зарур нарсадир.

Бундай катта миқёсли ўзгаришларнинг йўли жуда қийин, ҳаммасини ҳам режалаштирилганидек уддалашга муваффақ бўлмаяпмиз. Хатоларга ҳам йўл қўяяпмиз, бундан ўзимиз куюнаяпмиз, инсон сифатида куюнаяпмиз. Лекин ўтмишга қайтиш йўқ, халқимизни яна жиловлаб бўлмайди, у жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Халқнинг ўзи ҳам бунга йўл қўймайди. Пировардида айтмоқчи бўлган асосий гапларим мана шулар. Азиз уралмашчилар, сизларга корхона шанини юқори даражада ушлаб туришни тилайман. Мамлакатсиз сизлар яшай олмаганингиздек, мамлакат ҳам сизларсиз яшай олмайди. Келинглар, ана шундай ҳамжиҳатлик руҳида ҳайрлашайлик, сизларга катта муваффақиятлар тилайман, бундан буён ҳам бир-биримизга ёрдам бераверамиз! **(Қарсаклар).**

* * *

М. С. Горбачев қандай маҳсулотларни, молларни сотиб олиш мумкинлиги, қайсиларини топиш қийинлиги билан қизиқди. Одамлар, жумладан, мевалар етишмаётганлигидан нолишди. Бу соҳада шундай йўл тутиш мумкин, деди М. С. Горбачев: шаҳар етарли омборларга эга бўлиши, мева етказиб бериш ҳақида жанубдаги республикалар билан шартномалар тузиши керак. Бошқача усул йўқ. Свердловскда мева ва сабзавотни сақлаш учун ишончли база бўлмаса — бу қанақаси? Бундай шаҳар бошқаларнинг садақаси, четдан маҳсулот келтириш ҳисобига яшаши мумкин эмас. Бу ерда омборлар қурилаётганини биламан, лекин чамаси жуда секин қурилаяпти.

Свердловск шаҳрининг 1905 йил инқилоби номи берилган бош майдонида СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Уруш ва меҳнат ветеранлари билан суҳбат Уралнинг шонли анъаналари, Урал йигит ва қизларининг шавкати, Ватанга садоқати ҳақида борди.

Азиз ветеранлар, деб Михаил Сергеевич уларга мурожаат қилди, айниқса Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида сизларни самимий табриклайман. Ҳаётимизни, озодлигимизни ва эзгу мақсадларимизни ҳимоя қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилган авлодни шарафлаш учун бутун мамлакат тайёрланмоқда.

Ҳаво-десант қўшинлари ветерани Н. И. Михайлова-Гагарина суҳбатга қўшилади. Биз ўз ҳаётимиз билан фахрланамиз, дейди у ҳаяжон билан. Бизга ғамхўрлик қилаётгани учун давлатга миннатдорчилик билдирамиз.

Менга эса, деб жавоб қилади Михаил Сергеевич, ветеранларнинг умидбахшлиги, ишончи, хотиржамлиги ҳамиша ёқади.

Суҳбатдошлардан бири юрагидаги гапни айтади: свердловсклик ветеранлар партиядаги ҳозирги мураккаб вазият учун қуйинмоқдалар, КПСС жипслашган бўлиши, Ленин байроғини қўлида маҳкам ушлаши лозим. Биз КПССнинг бўлажак съезди қайта қуриш дастури асосида партия сафларини жипслаштириш съезди бўлишини истаймиз.

Биз жамиятимизни янгилашимиз, социалистик тузум имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқаришимиз, партиянинг обрўсини иш билан кўтаришимиз лозим, деди М. С. Горбачев. Эзгу мақсадларимизни, маънавий қадриятларимизни эса албатта сақлаб қоламиз. Ўз ишимиз байроғини баланд кўтарамиз.

Баъзи бировлар шундай қилишмоқда: гўё у янгиланиш жараёни тарафдори, лекин халқ ибораси билан айтганда, бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдиришга тайёр, социализмдан воз кечишга ҳам тайёр. Биз ўз партиявий уйимизда ҳаммасини ҳал қилиб олишимиз лозим, албатта. Агар бирортаси ҳозир бошқача ҳаракат қилишга аҳд қилган бўлса, виждони шунга йўл қўйса, ҳаракат қилаверсин. Съездга эса биз жипслашиб боришимиз керак.

М. С. Горбачев шаҳарликларнинг бошқа гуруҳи олдига келади, улар мамлакатда бозор иқтисодиётини шакллантириш муаммосига Президент қандай қарашини, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини иқтисодиётни соғломлаштириш йўллари тўғрисида унинг фикрини билишни хоҳлайдилар. Ана шу мавзуларда батафсил ва ошкора суҳбат бўлиб ўтди.

Саволлардан бири умумий мавзудан четга чиқиб, қуйидагича баён этилди: нима учун Литва билан музокара олиб борилмаяпти?

— Музокараларни биз бошқа давлатлар билан олиб борамиз,— деб жавоб қилди Михаил Сергеевич,—Литвани эса Совет Республикаси деб биламиз. Агар эсингизда бўлса СССР халқ депутатларининг учинчи съездида масала худди ана шу тарзда қўйилган эди. Сиз ҳам, мен ҳам съезд қарори олдида бир хил аҳволдамиз.

Урал азалдан Ватанни ҳимоя қилиш учун қурол ясаб берган. Бу ерда қудратли мудофаа имкониятлари вужудга келтирилган. Қайта қуриш туфайли туғилган янги сиёсий тафаккур мамлакатга мудофаа комплекси қувватларининг анча қисмини соф тинчлик мақсадларидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини берди.

Тинч маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилаётган корхоналардан бири — Урал электромеханика заводида очилган халқ истеъмол моллари кўргазмаси ана шу унча жўн бўлмаган жараён қандай бораётгани ҳақида ҳикоя қилади. М. С. Горбачев уни кўздан кечирди.

У инженерлар, конструкторлар ва ишчиларнинг ижодига баҳо берди, уларнинг куч-ғайратлари билан юқори сифатли, рақобатга бардош бера оладиган граждан лик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Товарлар ҳам ҳар хил бўлади. «Мудофаа корхонаси»дан олий категориядаги маҳсулотларни олиш учун унинг ақлий ва техник имкониятларидан мана шундай фойдаланиш жуда муҳим, деб таъкидлади СССР Президенти. Экспозицияга медицина аппаратлари, рўзғор электроникаси ва видеотехниканинг энг замонавий моделлари қўйилган. Ана шу буюмлар тезроқ оммавий равишда ишлаб чиқарилиши, кўргазма экспонатларидан ҳар бир киши сотиб олиши мумкин бўлган товарга айланиши муҳимдир, деб таъкидланди суҳбатда.

Совет олимлари ҳал қилаётган муаммолар, Уралнинг илмий имкониятларини ривожлантириш тўғрисида СССР Фанлари академияси Урал бўлимининг металлар физикаси институтида батафсил гаплашиб олинди.

СССР Президенти билан учрашиш учун барча фан тармоқларининг етакчи вакиллари бу ерга тўпланишди.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академия Урал бўлими президиумининг раиси Г. И. Месяц учрашувни очар экан, академиянинг ҳозир 38 та илмий муассаса, илмий асбобсозлик махсус конструкторлик бюроси ва бир қанча инженерлик марказларини бирлаштириб турган Урал бўлими фаолиятининг асосий йўналишларига муфассал тўхталди.

Фикрлашиб олишда иштирок этганларнинг кўпчилиги фундаментал фанни ривожлантириш муаммоларига эътиборни қаратиб, унинг обрўсини ошириб, моддий базасини янгилаш, олий ўқув юртларини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар. Жумладан, иқтисодиётда фундаментал фанларни ривожлантириш манфаатлари билан иқтисодиётдаги бозор асосларини жорий этиш натижалари кўпинча бир-бирига зид келаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ана шу тенденцияни бартараф этадиган мустаҳкам қонуний асос бўлиши керак, дейишди нотиқлар.

Олимларнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш имкониятлари чеклаб қўйилганлигини фан ва тадқиқотларда тараққиётга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири деб айтилди.

М. С. Горбачев учрашувда сўзга чиқиб, жумладан бундай деди: мен бундай нуқтаи назарга амал қиламан. Агар сиёсат илмий билимларга асосланса, унда хато камроқ, сиёсат асослироқ, реал ва самаралироқ бўлур эди. Уралда, бутун мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаётган регионда олға томон ҳаракатимизнинг илмий фарази айниқса долзарб аҳамиятга эга. Урал мамлакат учун оғир кунларда унинг кўпгина ташвишларини ўз зиммасига олди, шунинг учун биз ҳозирги пайтда ҳам қувватлар ва меҳнат ресурсларини оширишдан бошқа нарсани ўйламай, ундан фойдаланавера олмаймиз.

Ушбу залда фойдали ва қизиқарли гапларни кўп эшитдим, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Унинг сўзларига қараганда, ҳозир айни шундай пайтки, ҳамма биргаликда, жумладан Урал каби қудратли саноат ўлкаси, шу жумладан Свердловск области бундай эски фондлар билан қолганини асосли равишда мулоҳаза қилиб кўриш керак.

М. С. Горбачев олимларнинг гапларига жавобан Совет Иттифоқида фундаментал фаннинг аҳволи ва тақдири муносабати билан уларнинг ташвиш чекаётганлигига қўшилишини таъкидлаб ўтди.

Президент учрашув қатнашчиларининг, ҳам фан-техника тараққиёти муаммоларига, ҳам мамлакатдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият реалликларига доир саволларига жавоб қайтарди.

Кечқурун ёшлар саройида М. С. Горбачев Свердловск области меҳнаткашлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари вакиллари билан учрашди.

Учрашувни КПСС область комитетининг биринчи секретари А. П. Гусев очди. Халқ депутатлари область Советининг раиси В. М. Власов, «Уралтяжтрубстрой» трестининг электр пайвандчиси Н. И. Сова, СССР Фанлар академияси Урал бўлими президиумининг раиси Г. И. Месяц, Свердловск шаҳридаги 18-мактаб директори З. А. Судакова, область соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи А. Б. Блохин саноат ўлкаси олдида турган муаммолар мажмуаси, иқтисодий ислоҳотни тезлаштириш йўллари, мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жуда зарурлиги ҳақида гапирдилар.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчилари олдида нутқ сўзлади.

Нутқ матбуотда эълон қилинади.

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Халқимизда асрлар давомида шаклланган ўзига хос анъаналар борки, улар бебаҳо миллий қадриятларга айланган.

Ўзбек халқи асрлар оша кўнгил сўраш, қарияларни улуғ айём кунларида йўқлаш, касалларни бориб кўриш, беморларга руҳан мадад бўлиш, вафот этганларни хотирлаш сингари урф-одатларини яна ҳам мустаҳкамлаб бормоқдаларки, у бугунги кунда маънавий хазинамизнинг муҳим бир қисмига айланди. Рамазон ҳайити кунларида бутун жумҳуриятимизда ана шундай кайфият ҳукмрон.

Суратларга назар солинг: кечагина мустақил ҳаётга қадам қўйган баҳор яғлиғ кўркам келинчак ҳаёт ва муҳаббат завқи билан ёнмоқда. Дугоналари уни улуғ айём арафасида қутлагани келишган.

Фарзандлари ва жажжи невараларига умид билан боқаётган нуроний отахоннинг кайфияти эса ҳар кунгидан ўзгача. У ўзини қутлагани келган болаларнинг бугунги иқболини ва истиқболини кўриб қувонмоқда.

Қаршингизда Чиғатой қабристонидан бир лавҳа. Ўтганлар ёди оналар ва фарзандлар қалбида. Улар ҳаёт бўлмасалар-да, ўзларининг яшолмай қолган кунлари билан аждодлар ва авлодлар орзусида тирик.

В. МОЛГАЧЕВ ва М. НАЗАРОВ суратлари.

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТАЁТГАНЛАР

Тошкентда болалар уйлари, мактаб-интернатларга ёрдам кўрсатиш яхши анъанага айланди. Бу тадбирларда корхоналар ва ташкилотларнинг жамоалари, шунингдек диний муассасалар фаол иштирок этмоқда.

Мусулмонларнинг диний байрами — Рамазон ҳайити арафасида тошкентлик диндорлар меҳр-мурувват кўрсатдилар. Улар юзлаб гилам, палос, ўқув қўлланмалари, ширинликлар, ўйинчоқлар тўплашиб, Ўзбекистон пойтахти болалар уйларига ҳадя қилишди.

Ҳадяларни топшириш вақтида Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси ҳайъатининг раиси муфтий Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф ва бошқа диний арбоблар қатнашдилар.

Бўстонлиқ районида табиий офат оқибатларини тугатиш штабига кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Меҳр-мурувват ҳаракати давом этяпти. **(ЎзТАГ).**

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ 1990 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1990 йил 1 Майда Тошкент меҳнаткашлари вакилларининг В. И. Ленин номли майдонда умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойиш соат 10.00 да бошланади.

Намойиш қатнашчилари ўз корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари бўйича тўпланиш пунктларига йиғиладилар ва район колонналари таркибида белгиланган маршрут бўйлаб В. И. Ленин номли майдон томон йўл оладилар.

Таклиф билети бўлган кишиларни В. И. Ленин номли майдонга ўтказиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели кўчалари, В. И. Ленин номли ва Ўзбекистон проспектлари бўйича шаҳарнинг марказий қисмида махсус рухсатномаси бўлган автомашиналардан бошқа ҳамма турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати соат 7 дан меҳнаткашларнинг намойиши тўхтагунга қадар тўхтатиб қўйилади.

1 Майда Тошкент метрополитени эрталаб соат 6 дан кечаси 1 га қадар ишлайди. Соат 8 дан 12 га қадар «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» станцияларининг фақат «чиқиш» қисми очиқ бўлади. Шу вақт ичида «В. И. Ленин номли майдон» станцияси бекитиб қўйилади.

Метрополитеннинг ҳамма линияларида соат 12 дан ҳаракат бошланади.

ШАҲАР БАЙРАМ КОМИССИЯСИ.

• Муқимий номли музикали театрнинг эллик йиллигига

«АЛПОМИШ»ДАН «ТОШБОЛТА ОШИҚ» ҚАЧА

Яқинда жумҳуриятимиз маданият арбобларининг даврасида бўлганимда улардан «Муқимий театри деганда нимани тушунасиз?» деб сўрадим. Шунда улардан бир гуруҳи «Албатта, музикали драма ва комедия жанрининг ўзига хос лабораториясини» деб жавоб берди. Иккинчи бир гуруҳ суҳбатдошларим «Миллий саҳна санъатимизнинг «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», «Нурхон», «Ватан ишқи», «Муқимий», «Ғазал фожиаси», «Тошболта ошиқ», «Фарҳод ва Ширин» каби машҳур намуналари саҳналаштирилган масканни тушунамиз», деб жавоб қайтаришди. Учинчи гуруҳ эса, «Муқимий театри деганда биз энг аввало Тўхтасин Жалилов, Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Маҳмуджон Ғофуров, Марям Ёқубова, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Турсунхон Жаъфарова, Фароғат Раҳматова сингари ажойиб санъаткорларни тушунамиз», деган фикрни билдирди...

Ҳа, ҳар қандай санъат даргоҳи иқтидорли ижодий коллектив туфайли музайян. Ҳар қанча ҳашаматли, истаганча жиҳоз-безаклар билан таъминланган бўлмасин, у ерда муносиб маданият арбоблари фаолият кўрсатишмаса, барчаси бекор. Шу маънода Улуғ Ватан уруши арафасида ташкил этилган Муқимий номидаги театрнинг қисқа вақт ичида Ўзбекистондаги баҳқувват бадиий коллективлардан бирига айланганлиги факти ёрқин мисолдир.

Театрнинг ташаббускори унутилмас санъаткор Миршоҳид Мироқилов бўлган эди. Унинг бу хайрли ишидан хабар топган С. Хўжаев, М. Кузнецова, М. Ёқубова, А. Болтаев, С. Раҳмонов, М. Ғофуров, О. Фаёзова, А. Юсуповлар қалдирғоч актёр ва актрисалар сифатида бу ерга «учиб» келишди, яъни улар жон-диллари билан илк спектакларда роль ўйнадилар. Кейинчалик коллективга Лутфихоним Саримсоқова, Шаҳодат Раҳимова, Турсунхон Жаъфарова, Тамара Назарова, Машраб Юнусов сингари хонанда актёр-актрисалар ҳам қўшилишди.

Тўхтасин Жалиловдек буюк санъаткор раҳбарлигида ишлаган театр бир-биридан мазмунли, бир-биридан чиройли спектакллар саҳналаштириб, миллий саҳна санъатимиз ривожига самарали ҳисса қўшди. Халқимиз, кекса авлод ўша спектакларни яхши билади, эсдан чиқармайди. «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», «Нурхон» каби спектакллар ойлаб, йиллаб театр репертуарларидан тушмагани рост.

Хўш, бу спектакларга қизиқишнинг сири нимада эди? Гап шундаки, халқимиз, энг аввало, музикали драма ва комедия жанри билан таниширди. Шу билан бирга ижрочилар саҳнада ўзларининг кўйлаш қобилиятини ҳам намойиш қилардилар. Музикали драма ва комедия жанрининг имкониятларини томошабинларга етказар эканлар, артистлар миллий анъаналарга, халқ ижодига ҳам катта қизиқиш билан ёндашардилар. Натижада асарларнинг халқчиллиги спектаклдан спекталга ўсиб борарди.

Театр даврга ҳамнафаслигини Улуғ Ватан уруши йилларида ёрқин намойиш қилди: «Қурбон Умаров» (С. Абдулла ва Чустий асари), «Қасос» (Ш. Туйғун ва А. Умарий), «Офтобхон» (К. Яшин) пьесалари саҳналаштирилди. Ватанпарварлик руҳидаги бу асарлар халқимизни жасоратга, бирдамликка, матонатга даъват этарди. Улуғ Ватан уруши йиллари даври асарлари ҳақида гапирилганда, энг яхши спектакллар қаторида шу драмаларнинг ҳам тилга олиниши бежиз эмас.

Театр спектаклларининг муваффақиятида Лутфихоним Саримсоқова, Маҳмуджон Ғофуров, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров каби саҳна усталарининг хизматлари катта. Масалан, халқимиз меҳр-муҳаббат билан «Ая» деб эъзозловчи санъаткоримиз Лайли ва Ширин ролини бетакрор маҳорат билан ижро этган. У яратган она образларининг талқини ҳали-ҳануз ҳайрат уйғотади. Бу ўринда Аянинг халқимизга азиз ва яқин бўлиб қолган Кумуш хола («Икки коммунист»), Кимё («Нурхон»). Она («Равшан ва Зулҳумор») ролларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истаймиз.

Муқимий театрида Лутфихоним Саримсоқова мактаби бор. Ана шу ижрочилик, маҳорат мактабидан таълим олган ўнлаб ёш талантлар вақт ўтиши билан театрнинг етакчи актёр ва актрисалари сифатида танилдилар.

Муқимий театри марҳум Раззоқ Ҳамроевдан ҳам бир умр миннатдор. Театрда дастлаб актёр сифатида танилган Раззоқ Ҳамроев кейинчалик режиссёрлик қилди, бош режиссёр ва бадиий раҳбар бўлди. Актёрнинг «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклидаги Нозим роли, «Фарҳод ва Ширин»даги Хисрав, «Рустам»даги Рустам образлари қанчалик мукаммал талқин қилинганини театршунослар юксак маҳорат намунаси сифатида ҳамон ўрганадилар. У буюк шоирлар ролининг бетакрор ижрочиси сифатида доврўг таратган эди. Ахир, унинг Алишер Навоий, Муқимий, Ҳамза ролларисиз ўзбек театр санъатини тасаввур қилиб бўладими?

Раззоқ Ҳамроев республикамизда музикали драма жанрини равнақ топтиришда унутилмас изланишлар қилди. Бунинг конкрет мисоли сифатида Муқимий театрида 60—70-йилларда саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Олтинкўл», «Нурхон», «Макр ва муҳаббат», «Гули сиёҳ», «Фарғона тонг отгунча» спектакларини айтиб ўтишимиз мумкин. Режиссёр Р. Ҳамроев ана шу асарларни саҳналаштириш жараёнида кўплаб ёш талантларни тарбиялади. Унинг ўз режиссураси бор эди. Бу режиссура ажойиб топилмалари, талқинлари билан ажралиб турарди. Режиссёрнинг ютуқларидан бири шунда эдики, у артистларнинг ниш ураётган имкониятларини юзага чиқаришга муваффақ бўларди. Образга ижодий ёндашган актёр-актрисаларни қадрлаб, улар билан илҳомланиб ишларди.

Саҳна санъатимизнинг ажойиб намунаси сифатида эл эътиборини қозонган «Тошболта ошиқ» спектакли ҳам Раззоқ Ҳамроев раҳбарлигида майдонга келган эди. Унда бош ролни ижро этган марҳум Сойиб Хўжаев «Муваффақиятимда бош режиссёрнинг хизмати катта» деган фикрни бот-бот билдирган. Иккала улуғ санъаткорнинг изланишлари, кашфиётлари туфайли «Тошболта ошиқ» комедияси Сойиб Хўжаев иштирокида 1500 марта ижро этилган. Асар ҳозир ҳам театрларимиз репертуаридан тушмай келяпти Бу Муқимий театрининг таъсирини, ўрнини, обрў-нуфузини кўрсатувчи яққол далиллардан биридир.

Муқимий театри ижодий изланишларининг самарали бўлишида драматурглар ва композиторлар билан бўлган ижодий алоқа, ҳамкорликнинг ҳам роли каттадир. Бу ўринда коллективнинг Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов каби ёзувчилар, Манас Левиев, Дадаали Соатқулов, Икром Акбаров сингари композиторлар билан дўстлигини намуна сифатида келтирса бўлади.

Театрдаги соғлом ижодий муҳит, бошқа ижодий уюшмалар ва бадиий коллективлар билан бўлган яқинлик, долзарб мавзуларга, муаммоларга ўз вақтида мурожаат қилиб, фикр билдиришга бўлган астойдил иштиёқ турли даврлардаги, турли босқичлардаги изланишлар муваффақиятли давом этишига сабаб бўлди.

Аммо босиб ўтилган йўлларнинг барчасини ҳам бирдек ёрқин, изланишларнинг ҳаммасини ҳам бирдай яхши ёки юксак савияда деб бўлмайди. Ўртамиёна, тоши енгил, томошабинларни тўлқинлантирмайдиган, ўйлатмайдиган йўловчи, яъни қисқа вақтда репертуардан тушиб кетган спектакллар ҳам саҳналаштирилди. Ижрочилар эса, ана шундай спектаклларнинг замини — бўш пьесалар қўлга олинганида лоқайдлик қилдилар. Бу ҳол театрнинг баркамол ижодий қиёфаси учун кураш туйғуси ҳамма вақт ҳам бирдек жўш ураверманганлиги, коллективдаги фаол якдиллик сусайганлиги оқибати эди.

Кейинги йилларда театрни таниқли режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев бошқаряпти. У биринчи навбатда коллективдаги муҳитни мустаҳкамлашга, янги ижодий кучларга имкониятлар яратишга, устозлар анъаналари ва тажрибаларини унутмаган ҳолда янгича изланишлар қилишга интилмоқда. Иқтидорли ёшларга қўрқмасдан масъулиятли ролларни топшириб, завқли спектакллар саҳналаштиришга ҳаракат қилмоқда. Режиссёрнинг оригинал изланиши Ўзбекистон театрларининг навбатдаги фестивалида ҳам алоҳида таъкидланди. Драматург Машраб Бобоев асари асосида саҳналаштирилган, атиги икки киши қатнашадиган «Мушкул савдо» спектаклининг ижрочилари — Турғун Бекназаров ва Норпошша Ҳасанова фестивалда «Эркак ролининг энг яхши ижроси учун», «Аёл ролининг энг яхши ижроси учун» совринларига сазовор бўлишди.

Муқимий театрининг ҳозирги репертуарида классикага мансуб асарлар ҳам, замонавий мавзуда ёзилган пьесалар ҳам бор. Ана шу репертуарнинг санъат мухлисларига манзур бўлишида Маҳмуджон Ғофуров, Фароғат Раҳматова, Набижон Халилов, Абдуғофур Абдураҳмонов, Сурҳат Пўлатов, Адиба Мирзаева, Райҳон Тўраева, Раиса Муҳиддинова каби тажрибали санъаткорларнинг, Рустам Бобохонов, Меҳри Бекжонова, Рустам Маъдиев, Одина Ғозиева, Зулайҳо Бойхонова, Абдушоир Салимов, Меҳмонали Салимов, Феруза Норқулова сингари иқтидорли ёшларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Театр бугунги кунда музикали театр деб юритилади. Ҳа, қариб эллик йил мобайнида музикали драма ва комедия жанри равнақига хизмат қилиб келган коллектив эндиликда ўзини бутунлай музикали саҳна санъатига бағишлаган. Театрни йўқлаб келаётган композитору бастакорлар кўп. Гап улар билан самарали, пишиқ-пухта, новаторона ишлашда. Ишончимиз комилки, ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлаётган Муқимий театри яқин келгусида музикали лаборатория сифатида ҳам ном қозонади.

Юсуф БЕРДИЕВ.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Р. — 10049. № 98. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12